

МУХАММАД СОЛИХНИНГ «ФАРҒОНА» АГЕНТЛИГИГА СУҲБАТИ



Таникли ўзбек сиёсатчиси, мухолифатдаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракати раиси Муҳаммад Солиҳ «Фарғона» ахборот агентлиги бош муҳаррири Даниил Кисловга суҳбат берди. М.Солиҳ келажакда Ўзбекистон президенти Ислам Каримовнинг вориси ким бўлиши, Республикада воқеалар ривожининг қандай кўринишини кутиш мумкинлиги, ҳамда «ўзбек маликаси» дейилётган Гулнора Каримованинг тахтни эгаллаш имконлари ҳақида сўзлади.

* * *

– Сиз Ўзбекистон президенти Ислам Каримовнинг муҳтамал юрак хуружи ҳақидаги хабарнинг асосий манбааси бўлдингиз. Бундай маълумотни қандай қўлга киритдингиз? Қандай манбаалардан фойдаландингиз? Бу манбааларга қанчалик ишонинг мумкин ва ушбу юрак хуружининг сабаблари ҳақида Сизга нималар маълум?

– Биз бу юрак хуружи ҳақида (хуружнинг) эртаси куни хабар топдик, бу хабарни текшириб, тасдиқлаб, сўнгра чоп этдик, бунинг учун орада яна ўн беш соат ўтди. Бу хабарни бир неча фаркли манбааларимиз тасдиқлади, булар у ёки бу тарзда Ўзбекистон ҳукумати билан боғлиқ манбаалар. Биздаги маълумотларга кўра, И.Каримов юрак хуружига йўлиққан куни қизи Гулнора билан ўртада жанжал бўлиб ўтган.

Воқеа бундай бўлган. Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ), яъни Рустам Иноятов президент кизини обрўсизлантирувчи материалларни И.Каримовга тақдим этган, ва бу материалларнинг Россия матуботига юборилиши кутилаётган бўлган. МХХ эса уларнинг чоп этилишини «олдини олмоқчи» ва шу билан «Каримов оила-

си шаънини» сақлаб қолмоқчи бўлган. Каримов дархол кизини чакирган ва ўртада жанжал бошланган. Қизининг эса отасига нисбатан ўта адабсиз, салкам муштлашадиган даражада «эркин» тутиши сир эмас. Ва у ҳам отасининг бундай зарба олишига қисман бўлса-да айбдор.

Мен ҳақиқатан ҳам шундай воқеа рўй берганига аминман, шунинг учун бу хабарни чоп этдик. Бироқ, бу юрак хуружи атрофида бунчалик шов-шув бўлишини тахмин этмагандим. Ахир бундай дардга ҳар ким ҳам чалиниши мумкин-ку.

– Нима учун Каримовнинг муҳтамал юрак хуружи ҳақидаги хабар халқаро ОАВни ларзага солди?

– Чунки, агар Каримов ўша пайтда вафот этганида, унга сарфланган барча «сиёсий сармоялар», унинг номи билан боғлиқ истиқболлар — айниқса Америка тарафи кутган истиқболлар — барбод бўларди. У ҳолда нафақат Ўзбекистонга, балки бутун Марказий Осиёга йўналган халқаро стратегия ва тактикани ўзгартиришга тўғри келарди. Чунки, мамлакатдаги барча жараёнлар бирор сиёсий гуруҳ билан эмас, биргина Каримов билан боғлиқ. Ҳамма хавотир ва саросимага тушиб қолганининг биринчи сабаби шу. Сабаби — Каримовни хуш кўрган эмас, балки АҚШнинг Афғонистон билан боғлиқ келажак беш йиллик режалари, Каримовнинг тўсатдан кетиши билан Оқ Уйнинг тинчи йўқоларди. Модомики Америка тинчини йўқотса, бутун дунёда тинчлик йўқолади, жумладан, Россияда ҳам.

Эҳтимол, Россиянинг ҳам Каримов борасида ўз режалари, унинг Оқ Уйга қанчалик садоқатли экани ҳақида, Обама ва АҚШ маъмуриятига муҳаббати қанчалик собит экани ҳақида мулоҳазалари бордир. Россияга ҳам Каримов керак. Шунинг учун Путин ундан қанчалик нафратланмасин, у билан кучоклашиб, ўпишиб тураверади.

Ислам Каримовнинг ўзи бир «режим-одам». Бунақа яккахокимлик дунёнинг ҳеч қаерида, ҳатто араб дунёсидаги тоталитар давлатларда ҳам йўқ.

– Агар Каримов тўсатдан ҳокимиятдан кетса, воқеалар ривожини Сиз қандай тахмин эта оласиз?

– Менимча, Каримов ўлиши биланок Ўзбекистондаги кланлар ва молиявий-сиёсий гуруҳлар ўртасида жанг (аслида аллақачон бошланиб кетган жанг) авжига чиқади ва (бу

гуруҳларнинг) бирор вакили ўз номзодини кўяди. Бугун амалда фақат икки клан — Тошкент ва Самарқанд клани мавжуд, Фарғона клани эса анча заифлашган ва Тошкент аймағи билан киришган. Ўзаро ички қарама-қаршиликда улардан бири устун келади, ва эҳтимол, улар Шавкат Мирзиёев ва Рустам Азимов билан ўзаро келишади. Булар айни кланга мансуб шахслар, аммо ўзаро адовати бор, чунки иккиси ҳам олий тахтга кўз тиккан.

Бундан бошқа вариантлар ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, халқ кўзғолиши, кўчага чиқиб кетиши мумкин. Гарчи бугун бу эҳтимолдан йироқ туюлар, аммо араб диёрларидаги воқеалар нимадан бошланганини эсланг — ҳаммаси оддий нарсадан бошланган эди.

Ва учинчи вариант — энг кам эҳтимолли, бироқ энг тинч вариант. Бу кланларнинг энг кучли таъсирга эга бирор вакили чиқиб, мамлакатда демократиялаштиришни таклиф этади: келинглари, мухолифатни таклиф этайлик, гуруҳлараро ўзаро ички низоларни бас қилайлик, миллий тотувлик йўлида ҳаракат қилайлик, дейди. Бу — биз умид қилаётган «юмшоқ», яъни консиз ўтишдир.

Кланлар ўтishi давридаги муваққат президент номзодини қўллашга келишади, бу номзод ўз бетараф мавқеи билан барча тарафларни қониктирадиган бўлади.

Кейин мамлакатда сиёсий тарангликни бартараф этиш ва жамиятда миллий тотувликка эришиш учун, мамлакатга мухолифат лидерларини киритадилар, улар халқ олдида оқланади, ва шу билан Каримов ҳукмронлигидан норози бўлган омманинг қўлловига эришган бўлади. Бу вариант — бизнинг жамият учун энг хавф-хатарсиз вариантдир.

Ўзбек мухолифати ҳар уч вариантга тайёрланмоқда.

– Ўзбекистонда «каримовсизлаштириш» жараёнини бошлаш оладиган кишилар борми бугун?

– Каримов бор экан — ундай одамлар йўқ. Аммо Каримов ўлгач, бунга жазм қиладиган кишилар топилади. Чунки Каримовни ҳамма ёмон кўради, ҳатто ҳокимиятга келишида ундан қарздор одамлар ҳам. Улар бир нарсани аниқ билади: «ота» истаган пайтда уларни сотиб юбориши мумкин.

(Давоми кейинги саҳифада)

МУХАММАД СОЛИХНИНГ «ФАРФОНА» АГЕНТЛИГИГА СУҲБАТИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бугун ҳокимият тизимидаги одамларнинг зехнияти деярли ўхшаш, шунинг учун ҳам улар ҳокимиятда қолган. У ерда ягона умумий модель шу: пастдагини топтаб, тепадагини кўлини ўпиш. Шу билан бирга, уларнинг барчаси психологик бекарорлик ҳолатидадир, ва айнан мана шу ҳолат бундай шахсни юзага келтириши мумкин.

– Бугун режим ўлароқ Каримовни дастакламоқдалар, жумладан Европа ва Америка ҳам. Сизнингча, Каримов кетиши билан Фарб кимни танлайди?

– Америка учун энг мос номзод бу — Рустам Азимов. Агар Гулноранинг ҳужумларига Азимов «дош бера олса», унинг имконлари ёмон эмас. Каримов уни ўзининг америкапараст вориси ўлароқ Москвага олиб борган ва Путинга таништирамоқчи бўлиб, «ўнг кўли» тарафида ўтказган эди. Бу Путинга бир мессаж эди, аммо унга бу мессаж ёқмади. Путинга русияпараст номзод лозим, шунинг учун Кремль Мирзиёевнинг келишига умид қилади, у яқин вақтларгача «Россиянинг одами» Алишер Усмонов билан боғлиқ эди. Тошкентдаги авария ва Усмонов жиянининг ҳалокати — бу русияпараст номзодга берилган зарба бўлди. Ва бугун Мирзиёев ортиқ заиф.

Яна бир номзод бор. Бу — Гулнора. Албатта, Каримов мамлакатни айнан унинг кизи бошқаришини истар, чунки кизи отасини ҳеч бир ҳолатда сотмаслигини билади, гарчи ҳар қанча ёмон кўрсатса-да. Аммо Гулнорани бугунги мулозимларнинг бирортаси қўлламайди, шунинг учун Каримов ўлимидан кейин унга насиба йўқ.

– Сизнингча, нима учун Гулнора дабдабали пиар-акциялар уюштирмакда?

– Шу йўл билан у ҳокимият чўққисига чирмашаяпти. У ҳали-ҳануз бундан умидвор. Каримов ўзга «ворис»лар тарафига шаъмалар қилаяпти, аммо кизи ҳақида оғиз очгани йўқ. Афтидан, ота билан кизи ўртасида ўзаро келишув бордай: мен ўз қартамни очмайман, сен ҳам ўз ўзингни реклама қилаверасан. Шундай қилиб, кизи ўзича сиёсат юргизади, отаси — ўз ўйинини давом эттиради. Албатта, Каримов ўзи истаган ва унга энг маъқул бўлган номзод бу — Гулнора, чунки охир-оқибатда у Мирзиёевга ҳам, Азимовга ҳам ишонмайди. Аммо Каримов ҳозирча ўз танловини билдираётгани йўқ.

2013 йил 12 май,
Истанбул

«Фарғона» Ахборот Агентлиги
Рус тилидан
ЎХХ сайти таҳририяти таржимаси

ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕКЛАР ИНҚИЛОБНИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИШЛАРИ КЕРАК?

Ассалому Алайкум ҳурматли
ЎХХ хайрихоҳлари ва фаоллар!

Тўлқин ака Қораевнинг “Қуллик ва кўркүв психологиясини даф этмоқ зарур” номли мақолаларига ёзган бир шарҳимда муҳолифат томонидан қўйилиши зарур бўлган қадамлар ҳақида тақлифлар киритмоқчилигимни айтган эдим. Ваъда берганимдай, ўз қарашларимни ушбу изохлаб Сиз азизларга хавола этмоқчиман. Мен ўзим, юқорида зикр этилган мақолага шарҳ ёзган кишиларимиздан Ўзбекистон озодлиги учун ҳаракатлар ҳақида бирор конструктив тақлиф тушишини бир ҳафта кутмоқчи эдим, лекин таасуфки, бирор тақлиф кўрмайман. Кутмаслигимни сабаби эса, бугунги “Бир шарҳ ва унга жавоб» мақоласи бўлдию, ўзимни тўхтата олмадим. Тезроқ фикрларимни оммага етказсам бўлмайди деган фикрга бордим.

Ўтган куни, Мақсуд Бекжоннинг Андижон қатлиони муносабати билан ёзган “Бу фақат халқ бошига келган синов эмас” номли мақоласида у киши шундай чақириқ билан мурожаат қилди: «Ҳозир Ватандан ташқарида яшаётган ўзбекистонликлар зиммасига алоҳиди масъулият юкланган — биз бу ерда зулм остида яшаётган халқимизнинг овози бўлмоғимиз лозим. Биз дунёга Ўзбекистонда халққа нисбатан ақл бовар қилмас бир зулм ўтказилаётгани, инсониятга қарши жиноятлар амалга оширилаётгани ҳақида бонг урмоғимиз лозим».

Жуда яхши фикрлар ва жуда яхши чақириқ! Лекин қандай қилиб бу мақолада қўйилган долзарб вазифаларни бажариш, амалга ошириш мумкинлиги ҳақида ёзилмаган. Бошқа шунга ўхшаш чақириқлар бундан аввал ҳам бўлганлиги ҳаммамизга маълум, зотан натижа бўлмаган бўлсада.

Наҳот кишиларимизда бирор ғоя, интилиш бўлмаса? Нега биз халқдан кутадиган қадамларни сиёсий муҳолифатда бўла туриб ўзим қўймаймиз? Нега биз муҳолифат бўлиб, айнан муҳолифатни бириктира оладиган, фронт очадиган бирор усткурма топа олмадик? Ушбу саволларга жавоб берадиган қадамлар ҳақидаги тақлифларни этиборингизга хавола этаман.

Мақсад эса ҳаммангизга аён — Ватан учун фуқаролик жавобгарлик ҳиссини шакллантириш ва эркинлик учун курашмоқлик шиддатини тубдан амалга ошириш! Албатта бу ёзаётганларим, ҳеч бир иш амалга оширилмаган, ҳамда унга бефарқ қаралган тақдирда, оддийгина баландпарвоз гаплар бўлиб қолаверади. Бундан ташқари, ушбу тақлифлар билан мен ўзимни муҳолифат лидерларидан юқорироқ қўймоқ, ёки уларга танбеҳлар бермоқ ниятида эмасман.



Балки бу тақлифлар кенг муҳокама қилиниб, ўткир танқид остига олинишини, агарда тўғри келса тадбиқ қилиниши истагидаман.

Шундай фикрдаманки: муҳолифат тарафидан қўйиладиган бундан кейинги ҳаракатлар, ҳар бир киши ўхшаш йўқ индивид бўлгани каби, давлатлар ҳам, уларнинг муҳолифатлари ҳам бир бирига ўхшатиб бўлмас шакл-шамойилга эга бўлгани маъқул. Биз муҳолифат бўлиб ўзимизни бошқаларга ўхшатиб бўлмас ҳаракатларимизни амалга оширишимиз, дунё таърихида ҳалигача кузатилмаган қадамларни қўйишимиз шарт. Эслатиб ўтаман, аввалги “Ўзбекистонда инқилобга амалий қадамлар” номли мақоламда Ўзбекистон ичкарасида бажарилиши мумкин ва хавфсиз бўлган тадбирларни қандай бўлишлигини мисоллар билан ёритган эдим. Энди ушбу да кўпчилик халқимиз умид қиладиган Ўзбекистондан ташқаридаги кучлар томонидан бажарилиши лозим ва зарур бўлган амалиётларни баъзи мисоллар билан кўрсатиб ўтмоқчиман.

Шундай қилиб:

Биринчи вазифа: нодавлат-нотижорат ташкилоти сифатида Туркия давлатида Ўзбекистоннинг қувғиндаги ҳукуматини тузиш. Туркия бош вазири Ражаб Тойиб Эрдоғондан Ўзбекистоннинг қувғиндаги ҳукуматини эмас, балки шу номдаги ННТ ни қўллашни ижобий натижа бўлгунча, узлуксиз сўраш. Нега энди ҳукуматни эмас, балки шу номдаги ННТ ни эканлиги, агарда бу вазифа туркия парламенти орқали қабул этиладиган бўлса, Туркияни маълум давлатлар билан ташқи алоқаларига таъсири нуқтаи назаридандир. Балки мардлик қилиб ННТни эмас, қувғиндаги ҳукуматни қўллаб юборишар, тан олишар! Балки шундай қилса бўларки: Туркия ҳукумати раисини аралаштирмай оддий шу номдаги ННТ тузиш мумкиндир.

Бу ННТ шаклидаги ҳукуматни ЎХХ тузгани билан унга раислик қилмайди. Раис виртуал бўлади. Виртуал раис пайдо қилиш учун Ўзбекистоннинг қувғиндаги ҳукуматининг форуми тузилади, шу форумда кенгаш сайланади.

(Давоми кейинги саҳифада)

ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕКЛАР ИНҚИЛОБНИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИШЛАРИ КЕРАК?

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Кенгашга барча муҳолифат аъзоларидан бир, икки вакил аъзо бўлишлиги таъминланади. Баҳс мунозара билан келгусидаги ишлар белгиланади. Ҳозирча ҳукуматда депутат ёки сенаторлар бўлмайди, балки фақат аъзолар қабул қилинади. Айни пайтда ҳукумат аъзолари мустақил равишда ҳам ҳаракат қилишлари мумкинлиги таъминланади. Ҳукумат структураси, вазифалари дастур, низом тузилиб, ҳуқуқ ва масъулиятлар белгилаб олинади. Дастур ва низомларнинг лойиҳасини, тузилаётганлиги ҳақида, бу борада бўлаётган жараён ҳақида ЎХХ сайтида кенг равишда узлуксиз ёритиб борилади. Ўзбекистоннинг қувғиндаги ҳукуматини форумида баҳс юритилиб муҳолифатчилар таҳаллус остида руйхати тузилади, алифбо бўйича ёки кура ташлаш орқали (механизминини ўйлаб кўриш керак) навбатчилар сайланади. Ушбу навбатчиларни бажарадан ишлари аввалдан дастурда кўрсатилган йўналишлар бўлади. Йўналишларни ҳам кетма-кет руйхати бўлиб, кимга қанақа йўналиш тушган бўлса ўшани бажариш шарт бўлиши керак.

Масалан: Мақсуд Бекжонга кура тушди ёки навбат келди, дастур навбатига эса ўзи яшаётган ҳудудда, масалан, Осло шаҳрида кўчаларда Ўзбекистондаги диктатуранини қораловчи варақа тарқатиш, бу вазифани бажарувчи уддалагани ҳақида ахборотни форумда кечки пайт намойиш қилади, шунингдек ўша ҳудуднинг ОАВларини этиборига тушганлигини маълум қилади, ОАВ этиборига тушиш қатиъан шарт! Ўз шахсини беркитиш учун Каримов башараси туширилган ниқобдан фойдаланади.

Ҳукумат нима вазифа бажаради? Эсингизда бўлса 2005 йил Андижон қатлиомидан сўнг, Европа мамлакатларида кўнин топган фаоллардан бири Галима Бухорбоева Озодлик радиосида чиқиб, Европа парламенти биноси олдида пикетга чиққанини маълум қилди, шу тадбир радиода ёритилдию, кейинги тафсилотлари, натижалари кўзга кўринмади (ҳозир ўша пикетни талаблари эсимда йўқ). Ҳукумат тузиладими, тузилмайдими Европа парламенти биноси олдида узлуксиз пикет уюштиришни таклиф қиламан. Ҳукумат тузилгудай бўлса ҳудди шундай пикетларни уюштиришни йўлга қўяди, уни маблағ, озуқа, бошпана учун палаткалар билан таъминлайди.

Транспорантлар, плакатлар чоп қилишга ёрдам беради. Пикетчилар ўзларини ўзлари ҳам маблағ билан таъминлаш учун, талаблар кўйиш ва бу талабларни плакатларда намойиш қилиш баробарида Европарла-

ментдан пикетни таъминотини йўлга қўйиш талаби билан ҳам чиқишади, акс холда очлик эълон қилишганини маълум қилишади. Албатта кенг кўламдаги шов—шув бўлиши учун сиёсий маркетинг йўллари изланади.

Сиёсий маркетинг нимада бўлиши мумкин? Бу таниқли сиёсий арбобларни пикетчиларга этибор қаратиши, улар билан учрашиши ёки булмаса яқиндан бери пайдо бўлган (бетофиқ бўлсада, баъзи бирларга ёқмасида сиёсий маркетинг нималарда яна ишлаганини кўрсатиш учун айтаман) феминистларни пикетчилар билан учрашуви таъминланади, улардан пикетимизни пиар қилиб беришларини сўралади.

Янги тузилган ҳукумат тарафидан барча мамлакат раҳбарларига, сиёсий арбобларга, сиёсий шарҳловчиларга, барча давлатлар марказий сиёсий газеталарига, таниқли сиёсий арбобларга, таниқли сиёсий фаол телевидение ва радио каналларига тузилган ҳукуматни танитиш учун мактублар, таклифномалар юборилиши маъқул деб ўйлайман.

Европа мамлакатларини ҳоли—жонига қўймаслик режасини тузишни ҳам ўйлаб кўриш керак. Бу нималарда акс этади? Флеш-моблар қилинади. Бу флешларда юзларини кўрсатиш истагида бўлмаган фуқароларимиз юзларига Ислом Каримов башараси акс эттирилган ниқоблар билан европа кўчаларини ишғол этишади, талаблар ёзилган плакатлар, стикерлар билан тезда юриш қилишиб ўнг келган жойга стикерларни ёпиштириб қочиш амалиётини ўтказилади.

Нега энди қочиш керак? Чунки бундай стикерларни албатта рухсат берилмаган жойларга ёпиштириш шарт қилиб қўйилади. Бу ҳукумат идоралари деворлари, дераза ойналари, ҳукуматга қарашли хизматчи машиналар юзаси бўлиши мумкин. Стикерда акс этган расм қуйидаги кўринишга эга: панжара ортидаги Ўзбекистон ҳаритаси устида башараси бужмайиб, жаҳл билан найзани озодлик киефасидаги мазлумга ўқтаб, санчиб, оёғи билан мажаллаб турган Ислом Каримов акс эттирилган бўлади.

Флеш-моб ҳар ҳил кўринишга эга бўлади, бунда Каримов ниқоби билан давлатлар парламенти биносига бостириб кириш, БМТ биносига, ва бошқа халқаро ташкилотлар биноларини ишғол қилиш тадбирлари ўтказилади. Бу тадбирларга ОАВлар кенг миқёсда жалб қилинади (яна ўйлаб кўриш керак).

Европа мамлакатлари мактаб ўқувчиларини, олийгоҳларнинг халқаро муносабатлар, ҳуқуқ факультетлари талабаларини инқилобимизга жалб қилиш мақсадида бу ўқув даргоҳларида учрашувлар, маъру-

залар ташкил қилиниб, бу тадбирларда Ўзбекистондаги вазият ҳикоя қилиниб, ўқувчи-талабаларни ўз ҳукуматларига мурожаатлар битишларига ундалади.

Албатта тингловчиларга Ўзбекистондаги уларнинг тенгдошлари мажбуран пахта далаларида қуллар каби ишлатилаётганига ҳам этибор қаратилади.

Ўзбекистоннинг иқтидордаги ҳукумати қўллаб-қувватлаётган мамлакат раҳбарларига, парламент аъзоларига норозилик ноталарини юбориш узлуксизлиги таъминланади. Бу норозилик ноталарни матнида, кўринишида албатта оригиналлик бўлиши таъминланади. Яъни нота билан бирга Ўзбекистондаги вазият акс этган расм, танасидан жудо қилинган калла акс эттирилган скульптура ва бошқача йўсинларда этибор қозонишга ҳаракат қилинади. Бу амалиётга ҳам ОАВлар кенг кўламда жалб қилинади (ўйлаб кўриш керак).

Ҳозирги кунларда «Euronews» халқаротелеканалда Ўзбекистоннинг иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган реклама ролигини намойиш этиш бошланган. Албатта бу реклама, лекин бу ёлгон хабар кунига уч маротаба, тонгги ва кечки соатларда намойиш этилаёпти. «Welcome to Uzbekistan» телеёлғони инглиз ва рус тилларида 35 сониядан томошабинларга кўрсатилаёпти. «Euronews» канали ваколатхоналари ёки марказий офиси олдида биз учун тадбир ўтказилиши мумкин бўлган баҳона топилди! Афсуски мен Ўзбекистондаман.

Албатта Мақсуд Бекжон юқорида зикр этилган мақолаларида таъкидлаганларидай, биз Ватандагилар хориждаги ҳамюртларимиздан энтикиб нажот кутмоқдамиз. Сизларда шунча эркинлик, шунча имконият, балки бу ерда «олдиндан оққан сувни қадри йўқ» мақоли тўғри келар. Биз чўкаётган одамларга ёрдам беринг! Шу ерда мақоламни тўхтатсам бўларди. Лекин йўқ, ичимда гапим қолиб кетмасин. PS ўрнида:

Атрофингизга қаранг, дунё кенг, имкониятлар катта, тараққиётни қаранг, инсоиният нималарга қодир! Шунча тараққиёт ичра биз ўзбеклар йиғлаб ўтирибмиз!

Мен И-Ш-О-Н-М-А-Й-М-А-Н биз озодликка эриша олмаслигимизга! Мен ишонмайман хориждаги муҳолифат олдиги қўйилган вазифаларни бажара олмаслигимизга. Мен ишонмайман пул топа олмаслигингизга, форум оча олмаслигингизга! Мен ишонмайман сунъий йўлдош орқали телеканал, радио қила олмаслигингизга! Мен ишона олмайман дунёни ларзага сола олмаслигингизга! Мен Сизларда жадд, шижоат, ғайрат, топқирлик йўқлигига ҳам ишонмайман. Агар бу нарсаларга ишонсам биз аллома ажодларимизга арзимаймиз.

Илҳом Мамедов

КРЕЙГ МЮРРЕЙ: МУХОЛИФ ГУРУХЛАР ЎХХ ВА УНИНГ РАҲБАРИ М СОЛИХ АТРОФИДА БИРЛАШИШЛАРИ КЕРАК



Америка Қўшма Штатлари ўзбек ҳукумати билан яқиндан ҳамкорлик қилаётганига қарамасдан, Андижон воқеаларининг навбатдаги санаси юзасидан махсус баёнот эълон қилган ягона ғарб давлати бўлган.

Британиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Крейг Мюррейнинг айтишича, Афғонистондан қўшинларни олиб чиқишга тайёрланаётган ғарб, жумладан, Британия Президент Каримовнинг ғазабини кўзгаши мумкин бўлган ҳеч қандай амалга қўл урмайди. Истанбулда Андижон воқеаларининг 8 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда иштирок этган британиялик собиқ дипломат ғарбнинг Ўзбекистондаги тузум билан ҳамкорлигини «шармандали» деб атаган. Би-Би-си билан суҳбатда жаноб Мюррей ғарбнинг Каримов ҳукуматида дастаги Андижондаги каби воқеаларнинг такрорланиш эҳтимолини янада кучайтиришини айтди.

Крейг Мюррей: Бир ҳукуматнинг ўз фуқароларини отиб, ўлдириши даҳшатли бир ҳодисадир. Бундай ҳодиса ҳар куни содир бўлмайди. Бу каби миқёсдаги фожиа, афсуски, дунёда ҳар ўн йилда бир тақрорланганига гувоҳ бўламиз. Андижон воқеаларини фақат Пекиннинг Тянанмен майдонидаги қирғинга қиёслаш мумкин. Биз бу фожиада қурбон бўлганларнинг хотираси олдида қарздоримиз ва шунинг учун ҳам бу воқеанинг навбатдаги санасини эсламайдан ўтолмаймиз.

Андижон фожиаси бизга ўзбек халқи қанчалик шафқатсиз бир диктатура остида яшаётганини хотирлатади. Аммо фожианинг миқёсига қарамасдан, Андижон воқеалари борасидаги бор ҳақиқат ханузюзага чиққани йўқ. Ва бу нафақат Каримов ҳукумати гувоҳларни йўқ қилгани, балки ғарбнинг ҳам ҳаспўшлаши туфайли содир бўлаяпти. Ғарбнинг Андижон борасидаги сиёсати шармандалидир. Дунё тарихига қарасангиз, ҳеч қачон диктаторларнинг бир ўзлари оёқда туришмаган, диктатор-

ларнинг ҳаммаси жаҳон ҳамжамияти ва қудратли давлатларнинг дастаги билан ҳокимиятда қолганлар. Афсуски, шундай.

Би-би-си: Британия ҳукумати Андижонда тинч намоийшчиларнинг ўлдирилишини қоралаган ва мустақил текширув ўтказишга чақирганди. Аммо ҳозирда Президент Каримов ҳукумати билан мулоқот сиёсатини ҳимоя қиляпти. Бу каби мулоқот сизнингча, Андижон воқеалари борасидаги ҳақиқатни юзага чиқаришга ёрдам бериши мумкинми?

Крейг Мюррей: Афсуски, мутлақо ёрдам бермайди. Чунки Британия ҳукуматининг Ўзбекистонга қизиқиши фақат ва фақат Афғонистон билан боғлиқ. Британия Президент Каримовнинг жиғига тегиши ёки хафа қилиши мумкин бўлган ҳеч қандай амалга қўл урмайди. Британия ҳукумати Андижон борасидаги ҳақиқатнинг юзага чиқиши учун ҳеч нарса қилаётгани йўқ. Бунинг битта мисоли, айтишлик, британ ҳукумати Би-би-си журналистларининг Ўзбекистонга қайтиши учун ҳеч нарса қилаётгани йўқ. Чунки Андижон воқеалари борасидаги ҳақиқатни ўрганишнинг энг яхши йўли журналистларнинг қирғиндан омон қолган гувоҳларни топиб, воқеа жойининг ўзидан бу нарсаларни тадқиқ этишлари бўлур эди. Аммо Ўзбекистон ҳукумати хали ҳам Би-би-си ва бошқа хорижий журналистларнинг мамлакатга киришларига рухсат бермаяпти.

Би-би-си: Ғарбнинг Каримов ҳукумати билан мулоқоти ҳеч қурса, Андижондаги каби воқеаларнинг такрорланишининг олдини олади, деб ўйламайсизми?

Крейг Мюррей: Афсуски, ғарбнинг Каримов ҳукумати билан мулоқоти қайтага, иккинчи Андижоннинг юз бериши эҳтимолини кучайтиради. Чунки ғарбнинг дастаги Каримовга жазодан қутулиб қолганлик ҳисси ва ишончини беради. Шунча одам ўлди, аммо ҳеч ким ҳеч нарса қилолгани йўқ деган бир ишонч. Ва Каримов ҳозиргача Ўзбекистонни қандай диктаторлик услубида бошқариб кела бўлса, яна шундай бошқараверади.

Менинг хавотирим шундаки, агар Ўзбекистоннинг қаеридадир яна шунга ўхшаш бир норозилик чиқиши юз

берса, бу яна бир қирғинга олиб келиши мумкин. Чунки Ўзбекистондаги каби бир тузум, яъни бир ҳовуч одам ҳаддан ташқари бойиб, қолган халқ қашшоқликда, қўрқув ичида кун кечираётган бир тузум сиёсий жиҳатдан барқарор бўлиши мумкин эмас.

Би-би-си: Андижон воқеалари юз берган кунларда Президент Каримовнинг узоқ вақт ҳокимиятда қололмаслиги ҳақида башоратлар янграганди. Яқин Шарқдаги вазият билан бутун ўхшашликларга қарамасдан, Араб давлатларидаги каби халқ исёнлари ҳам юз бергани йўқ. Бу нарсалар Ўзбекистон ва минтақадаги тузумларнинг сиёсий жиҳатдан хануз анчайин барқарор эканликларини кўрсатмайдими?

Крейг Мюррей: Мен Марказий Осиё давлатлари инқилобий сиёсий ўзгаришлардан ҳимояланган, деб айтмаган бўлардим. Пировардида бу ўзгаришлар Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонга ҳам келади. Албатта, бу ўзгаришларни юзага келиши Марказий Осиёда Араб давлатларидагидан кўра қийинроқ бўлиши мумкин. Чунки интернет ва ижтимоий тармоқлар минтақада хали унчалик оммалашгани йўқ. Бундан ташқари, хавфсизлик аппарати катта ва яхши жиҳозланган.

Хусусан, Ўзбекистон хавфсизлик хизматлари АҚШ, Олмония ва Швеция каби давлатлардан телефон сўзлашувларини тингловчи жиҳозлар ва кузатиш камераларини олишган. Одамлар интернетда хоҳлаган нарсаларини чоп этишдан қўрқашади. Бундай шароитда одамларни сафарбар қилиш қийин. Аммо бу дегани араб давлатларидаги каби ўзгаришлар бўлмайди, дегани эмас. Албатта, ўзбек мухолифати бу ўзгаришларни, дейлик, Туркиядан туриб, амалга оширолмайди.

Аммо мухолифат муқобил ижтимоий дастурларни йўлга қўйиши мумкин. Мен бу ерда ўзбек мухолифати вакиллари билан суҳбатлашдим ва уларнинг ғоя ва фикрларидан руҳландим. Ўзбекистон ичкарасида аҳолининг мавжуд тузумдан норозилиги кучли. Мен бунга хали элчилик пайтим Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари, хусусан, Фарғона водийси бўйлаб сафарларимда қайта ва қайта гувоҳ бўлганман. Менимча, ўзбек мухолиф гуруҳлари анчайин яхши ташкилланган Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ва унинг раҳбари Мухаммад Солих атрофида бирлашишлари керак.

ГУЛНОРА ТАНЛОВГА ТАЙЁРЛАНАЯПТИ

Ўзбекистон Республикасининг доимий президенти Ислам Каримовнинг тўнғич кизи Қарши шаҳрига ташриф буюради. Эртага 16 май кунда у шаҳарнинг 10 сон ўрта умум таълим мактабига ташрифи буюриши кутиляпти. Бир неча кундирки, мазкур мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари Гулнора Каримовани муносиб кутиб олиш тадбирига тайёргарлик кўришмоқда.

Қарши шаҳридаги 10 сон мактаби 1969 йилда фойдаланишга топширилганди. Мактаб атрофидаги аҳолининг аралаш миллат вакиллари бўлганлиги сабаб, аввалига мактабда ўзбек ва рус тилларида дарс бериларди. Муस्ताқилликдан сўнг унда фақат ўзбек тилида таълим бериладиган бўлди ва мактабнинг Володия Ульянов номи олиб ташланди.

ЎХХ нинг Қарши шаҳридаги мухлис-ларидан келаётган хабарларга кўра, шу кунларда Фонд форум томонидан мактаб учун кўплаб компьютерлар ажратилган, ҳамда келгусида ногирон болалар таълим олишлари учун ҳам шароитлар яратилган.

Гулнора Каримовани Ўзбекистоннинг бўлғуси президенти сифатида кўраётганлар кам эмас албатта. Бу элнинг унга нисбатан муҳаббати юксак эканлиги билан боғлиқ эмас албатта, балки аксинча, элнинг унга нисбатан нафрати зиёд. Шундай бўлсада, президентимизнинг хонаки бўлиб қолган кизи халқнинг муҳаббатига сазовор бўлишга интилоқда. 2015 йилги сайловда эса у расман 90 фоиздан ортиқ овоз олиши-



га ҳам шубҳа йўқ. Зотан, Ўзбекистонда сайлов эмас, балки танлов бўлади.

Демак, “маликамиз” бўлғуси танловга тайёргарлик кўрмоқда

ЎХХ нинг Қарши шаҳридаги хайрхохи

БУ ФАҚАТ ҲАЛҚ БОШИГА КЕЛГАН СИНОВ ЭМАС

(Андижон қатлиоми муносабати билан)

13 май куни Андижонда йигирманчи аср охири ва йигирма биринчи аср бошида юз берган инсоният тарихидаги энг муҳиш оммавий қатлиом амалга оширилди. Бу жиноят бутун дунё кўзи ўнгида, бутун дунё жамоатчилигига бир писанда ва безбетларча қилинган бир қаҳриқ сифатида амалга оширилди.

Аммо шунга қарамай, бу жиноятга дунё кўрсатган муносабат шу жиноят қамровига муносиб бўлгани йўқ, дунё жамоатчилиги содир этилган ушбу қатлиомнинг бутун ваҳшатини кўра олмади, уни идрок эта олмади.

Ғарб Андижонда юз берган қатлиомга гўё Ўзбекистон бошқа бир ўлчамда яшаётгандай, худди бу ердаги инсонлар ҳаётининг қадр-қиммати бутун дунёда қабул қилинганидан кўра фарқли мезонларда ўлчанадигандай муносабат билдирди. Ўзбекистон бир чуқур қудуғ-у, бу қудуқдан чиқаётган ҳалқнинг ингроқ ва фарёдлари Ғарб қулоғига худди қабр ичидан келаётган бир заиф ва мубҳам шовқин сингари эшитилмоқда гўё. Ғарб бу товушларни жуда нари борса, бир “тартибсизлик” аломати, жамиятдаги “нофаровонлик” белгиси сифатида қабул қилмоқда. Ҳатто Ўзбекистондан чиқаётган ўқ товушлари ҳам бу ерда худди пистонли ўйинчоқлар товуши сингари бўғиқ ва мазмунсиз эшитилмоқда. Шунинг учун ҳам Ғарбнинг Андижон қатлиомига кўрсатган муносабати заиф бўлди, бу муносабат Ғарбнинг 1989 йилда Хитойдаги Тяньянмин майдонида ўққа тутилган намоийишчилар тақдирига кўрсатган муносабатидан анчагина заиф бўлди. Холбуки, Андижонда ҳалок бўлганлар сони Пекин майдонида ўлганлар сонидан бир неча баробар кўп эди.

Аммо шунга қарамай, бундан Ғарб ўзбек ва хитойлар тақдирига турлича ёндошади, деган хулоса чиқмаслиги лозим. Бу иккита хунрезликка бундай



турлича намоён этилган муносабат сабабини бу қатлиомларни амалга оширган иккита режим табиатидан изламоқ керак. Бу иккита режимни солиштирганда Ўзбекистондаги режим ўзининг ташқи дунёдан тўла ихота қилинганлиги, ўта шафқатсизлиги ва жамият ҳаёти устидан мислсиз назорат ўрнатганлиги билан ажралиб туради. Шундан келиб чиққан холда, Ғарбнинг ушбу воқеаларга кўрсатган муносабати ҳам – унинг эшитган ва кўрган нарсаларига билдирган муносабати сифатида талқин этмоқ лозим. Ғарбнинг Андижон қатлиоми билан боғлиқ эшитган ва кўрганлари эса, унинг Тяньянмин майдонида юз берган воқеалар пайтида эшитган ва кўрганларидан кўра анча оз бўлди.

Шунинг учун ҳам, бизнинг зиммамизга, ҳозир Ватандан ташқарида яшаётган ўзбекистонликлар зиммасига алоҳида масъулият юкландир – биз бу ерда зулм остида яшаётган ҳалқимизнинг овози бўлмоғимиз лозим. Биз дунёга Ўзбекистонда ҳалққа нисбатан ақл бовар қилмас бир зулм ўтказилаётгани, инсониятга қарши жиноятлар амалга оширилаётгани ҳақда бонг урмоғимиз лозим.

Бу синов фақат ҳалқимиз бошига тушган синов эмас, балки, Ўзбекистондаги зулмдан қочиш қутилишга муваффақ бўлган ва ҳозир Ғарбда яшаётган бутун ўзбекистонликлар учун ҳам синовдир, бу – Ғарб учун ҳам ва Ўзбекистонда юз бераётган ваҳшатларни кузатиб турган бутун дунё учун ҳам бир синовдир.

Мақсуд Бекжон

РАҲБАРЛИГИНГИЗ ХОТИМАСИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ИШОНЧ БЎЛСИН!

Президент Ислам Каримовга!

Ушбу мактубни сизга муҳолифлик ташналиги билан эмас, масъулият руҳи билан ёзаяпман. Зеро, мақсадим халқим ва ватаним олдидаги масъулиятимни бажаришдан иборатдир. Умидим ҳам сиздан эмас, барчамизни яратган Парвардигоримиздандир.

Сиз Президент сифатида, биз эса муҳолифат сифатида ўзимизни ҳақли, деб биламиз. Аммо бугунги кун фақат ўзаро курашиш ва айбланиш замони эмас, балки Ўзбекистон халқининг келажagini ўйлаб ҳал қилувчи қадамни ташлаш замони ҳамдир.

Ўзбекистон мустақил бўлгандан бери сиз муҳолифатни конструктив эмас, қора куч эканлигида айблаб келдингиз. Ушбу мактубни халқимиз ва ватанимиз учун ҳал қилувчи кунда бир муҳолифнинг конструктив ҳамласи сифатида қабул қилишингизни истайман.

Сиз деярли чорак асрдир Ўзбекистонни бошқариб келмоқдасиз. Бу даврда олиб борган сиёсатингизда икки асос яққол кўзга ташланди: Ўзингизнинг яккахоқимлигингиз (диктаторлигингиз) ва дунёни бошқараётган қудратли давлатлар орасида ўйин ўйнашингиз. Зотан, дунё сиёсати катта ўйиндан иборат бўлгани учун Сизнинг ташқи сиёсатдаги ўйинларингизни ички сиёсатдаги яккахоқимлигингизга қараганда тушуниш осонроқдир.

Бундай нисбатан асосли сиёсий “ўйин” билан машғул бўла туриб, Сиз давлат раҳбари сифатида энг фожеавий хатога йўл қўйдингиз: Бу сизнинг бугун 30 миллионни ошган Ўзбекистон халқига бўлган ишончасизлигингиз бўлди. Яъни, ўтган чорак асрда сиз халқимизга ижтимоий -сиёсий ҳаётнинг бирор соҳасида эркинликлар бермадингиз. Бу йиллар давомида бирор марта ҳам марказий ва маҳаллий ҳокимият идораларига эркин ва адолатли сайловлар ўтказмадингиз. Натижада халқимиз ўзини -ўзи боқиш ва бошқариш имконидан маҳрум бўлди.

(Давоми кейинги саҳифада)

РАҲБАРЛИГИНГИЗ ХОТИМАСИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ИШОНЧ БЎЛСИН!



(Давлати: Боши олдинги саҳифада)

Бу шаклда инсонларимизга Ҳақ тарафидан берилган истеъдод, қобилият ва тадбиркорлик йўқка чиқди. Натижа эса нафақат мамлакатдаги иқтисодий бўҳрон, балки шахс ва жамиятнинг маънавий-ахлоқий тубанлашуви шаклида бугун очикча ўртададир.

Сизнинг Ўзбекистон халқига деярли чорак аср давомида ўтказган даҳшатли зулмларингиз ушбу мактубнинг мавзуси эмасдир. Шунингдек, бу вақт давомида мустақил Ўзбекистонда нима қилинди ёки қилинмади, деган масалани ҳам очишни истамайман. Албатта, нималардир қилинди, қандайдир заводлар, фабрикалар, халқро ширкатлар қурилди. Аммо энди вақт ўтди, иш битиш нуқтасига келди ва навбат ниҳойи қадамни ташлашдадир.

Сиз Президент бўлган йилларнинг хотимасини шу уч нуқтада жамлаш мумкин: Дунёдаги сиёсий ўйинларнинг шиддати ортиб бормоқда, ўртада иродаси синдирилган ва маънавияти инкирозга учраган 30 миллионлик қашшоқ халқ, ўзини ва халқни ўз ижоди бўлган боши берк қўчадан қандай чиқаришни билмай қора терга ботаётган бир Президент бор...

Бундай вазиятда тўғри чора ҳеч шубҳасиз Ҳаққа таваққул қилиш ва Ўзбекистон халқига ишонч кўрсатишдир.

Сиз ва биз шу азалий ва мутлақ ҳақиқатга бўйин эгишга маҳкумиз: Ҳукмдор ҳам, унинг муҳолифлари ҳам ўткинчидирлар. Йўлида давом этадиганлар эса аввало Ҳақ, сўнгра Ҳақ истаган муддатга қадар халқдир.

Шундай экан, менинг бир муҳолиф сифатида сизга таклифим ушбу мактубнинг сарлавҳасидир:

Давлат раҳбарлигингиз хотимаси Ўзбекистон халқига ишонч бўлсин!

Бу ишонч қандай амалга оширишни айтиш билан ушбу мактубимни яқунламоқчиман. Масала, сизнинг “тахтингизни” кимга ва қандай топширингиз масаласидир. Сизни бу масалада Ўзбекистон халқига, унинг эркин ва адолатли сайловларда ўртага чиқадиган иродасига ишонишга даъват қиламан. Мавжуд вазиятда энг тўғри йўл шу йўл, деб биламан.

Бундай ишонч умрини ва ижодини ўзбек халқининг Эркинлигига ва унинг Адолатли давлат бошқарувига қовушишига бағишлаган бош муҳолифингиз Муҳаммад Солиҳни Ўзбекистонга таклиф қилиш бошланиши керак, деб ўйлайман. Сиз уни жуда яхши танийсиз. Аммо сизнинг яққаоқимлигингиз туфайли сиёсат майдони сирларидан ва унинг муҳолиф фаолларидан беҳабар

қолган ёш авлодлар яхшироқ танишлари учун Муҳаммад Солиҳ ҳақида қисқа тўхталмоқчиман.

У 1985 йилда бошланган қайта қуриш йилларида ижтимоий ва сиёсий қарашлари билан, ундан олдин эса шеър ва мақолалари билан илғор зиёлилардан эканлигини кўрсата бошлаганди. Кейин мустақиллик масаласи кун тартибига келди, тўғрироғи Муҳаммад Солиҳ ва сафдошлари бу масалани кун тартибига келтирдилар. Сизнинг қарши чиқишингизга қарамай Ўзбекистон Олий Совети Муҳаммад Солиҳ ва бошқа депутатлар талаби билан Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги Декларациясини қабул қилди.

Мустақиллик эълон қилиниши билан Муҳаммад Солиҳ сизнинг рақибингиз сифатида Президентлик сайловларида ўз номзодини қўйди. Ҳолбуки, у сиз билан мусобақалашини инкор қилиши мумкин эди. Чунки сиз эски тузумнинг тамсилчиси эдингиз ва янги Ўзбекистон давлати янги авлодлар тарафидан оёққа турғизилиши керак эди. Шунга қарамай Муҳаммад Солиҳ яна халқ манфаатини кўзлаб сиз билан мурося қилиш тарафдори бўлди. Сиз унинг бу масъулиятли қадамини тушунгандай бўлдингиз. Шунинг учун ҳам уни идорангизга даъват қилдингиз, халқимиз ва давлатимизнинг келажиги ҳақида у билан фикрлашдингиз.

Аммо яққаоқимлик қилишга бўлган чексиз истагингиз сизга тўғрини тескари қийдирди. Натижада аввал сиёсий, кейин диний муҳолифларни оммавий равишда қатағон қилишга бошладингиз...

Бу қатағондан Муҳаммад Солиҳ ва оиласи ҳам ўз хиссаларини олдилар. Умумий қилиб айтадиган бўлсак, сиз бош муҳолифингиз ва унинг уч укасини тахминан 50 йилга қамоқ жазосига маҳкум қилдингиз. Бу 50 йилдан 15 йилини Муҳаммад Солиҳнинг ўзига қилмаган жинояти учун сиртдан бердингиз, икки укасини узоқ муддат қамоқда тутдингиз, учинчи укаси Муҳаммад Бекжон эса 15 йилдирки ҳеч қандай гуноҳсиз, фақат муҳолифингизнинг укаси бўлганлиги учун қамоқхонада азоб чекмоқда...

Фақатгина сизнинг тузумингизга муҳолифлик учун бунчалик азобга гирфтор бўлиш, албатта, юмшоқ қилиб айтганда инсофсизликдир. Аммо бу бир ҳақиқат ҳамдир. Муҳаммад Солиҳнинг ўрнида бошқа биров бўлганда, балки қандай олмас, муҳолифликдан қўл силтаб, ўзининг ва оға иниларининг бу азоблардан қутулиш йўлини қидирган бўларди.

Фақат Муҳаммад Солиҳ аввало Ҳақнинг тақдирига, кейин Ўзбекистон халқининг эркинлик ва адолатга эришишига чин кўнгилдан ишонадиган инсондир. Сиз унинг эътиқодидан кўркман, у сизнинг итотингиздаги оммавий ахборот воситалари ташвиқ қилаётгани каби “радикал” эмас, оддий ва содда мусулмондир. Шу билан бирга сиз уни таъриф этганингиз каби мард инсондир ҳам.

Бугунги кунга қайталиқ. Мен сизни Ўзбекистон халқига ишонишга ва унга ўз келажигини ўзи белгилаш учун имкон яратишга даъват қилмоқдаман. Бунинг амалий қадами шундан иборатдир:

Муҳаммад Солиҳни 1991 йилда идорангизга даъват қилгангиз каби уни бугун Ўзбекистонга қайтишга даъват қилинг. Буни очик ва халқро жамоатчилик кўз ўнгида қафолатли асосда амалга оширинг.

Бу билан Муҳаммад Солиҳ бошқараётган Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг 2014 йилги парламент ва 2015 йилги Президентлик сайловларига қатнашиши учун йўл очган бўласиз. Истасангиз ўзингиз кўппартиявийлик нуқоби остида тузган барча партияларни бир сафга жамланг. Улар сизнинг бир ишоратингиз билан бир партияга ёки ҳаракатга айланиб қоладилар. Шундан кейин, халқро кузатувчилар иштирокида эркин ва адолатли сайловларга бош-қош бўлинг. Шу шаклда аввал парламент сайловлари бўлиб ўтади.

Натижада сиёсий майдонда ўзаро мусобақалашадиган икки қанотлик кучли бир қонун чиқарувчи орган пайдо бўлади. Бу эса сиздан кейин давлатни бошқарадиган Президент фаолиятини назорат қилиш учун мутлақ бир шартдир. 2015 йилда яна шу икки сиёсий кучнинг номзодлари Президентлик учун сайловда қатнашадилар. Ҳолиб чиққан Ўзбекистоннинг навбатдаги Президенти бўлади...

Бундай миллий тотувлик ва сиёсий мурося тафайли, яъни Ўзбекистонда халқ иродасининг эркин ва адолатли шаклда ўртага чиқиши билан жамиятимиз ва давлатимизнинг тўғри йўлда тараққиёти қилиши учун катта имкон пайдо бўлади. Эркин ва адолат йўли билан сайланган янги Парламент ва янги Президентнинг ўзаро ҳамкорликда халқимизнинг келажиги тегишли ғояйи ва амалий дастурларни ишлаб чиқишига шубҳа қилмасак ҳам бўлади. Бундай дастурнинг, ҳеч шубҳасиз, ўзбек халқининг миллий ва эътиқодий кадрларини ўз ичига олган каби, умуминсоният тараққиётининг инсон ҳуқуқларига амал қилиш, халқнинг ўз ҳукуматини эркин сайлаши, илм ва техника ривожланиши каби ижобий қирралардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Унутмайликки, масала фақат сизнинг давлат бошқарувини кимга топширингиз масаласи эмас, балки халқимизнинг, давлатимизнинг ва оилангизнинг келажиги масаласи ҳамдир. Агар сиз Ўзбекистон халқига ишонмай, давлат ҳокимиятини ўз билангизча адолатсизлик билан кимларгадир топширишни режалашган бўсангиз, бу халқимиз учун ҳам, давлатимиз учун ҳам, сиз орқада қолдирадиган уч аёл (хотинингиз ва икки қизингиз) учун ҳам жоғеавий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ушбу мактубнинг сўнги нуқтаси сифатида, Муҳаммад Солиҳ ўзини заҳарлаган аёлни жазодан мосуво қилган Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг адабиёт ва сиёсатдаги меросхўри эканлигини сизга эслатмоқчи эдим. Шунингдек, бу мактубим Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг ва бошқа бир сиёсий ҳаракатнинг қарашини ифодаламайди. Бу менинг халқимиз ва давлатимиз манфаати йўлида шахсий ташаббусимнинг изҳоридир.

Намоз НОРМУЎМИН



БОСТОН ПОРТЛАШЛАРИНИНГ ФИТНА ЭКАНИ ФОШ БЎЛДИ

15 апрел куни Массачусетс штати-нинг Бостон шаҳридаги марафонда қўшалок портлаш содир этилганидан сўнг Жавҳар Царнаев, хабарларга кўра, Уотертаун шаҳридаги уйларнинг бирида сақланган қайиқ ичида яширинган бўлган. Унинг билан ўша воқеада гумонланган акаси Тамерлан полиция билан отишмада жон таслим қилгани билдирилганди.

Портлашдан бир неча кун ўтиб, аниқроғи 19 апрел куни Жавҳар Царнаев қўлга олинди.

CBS News телеканалининг 16 май кунги хабаридан маълум бўлишича, Жавҳар Царнаев полиция ўқидан ҳалок бўлган акаси Тамерлан учун кўз ёши тўкмаган, аксинча у “шаҳид бўлгани” ни ва “ҳозир жаннатда экани”ни ёзган.

Шунингдек, чеченистонлик Жавҳар АҚШнинг Ироқ ва Афғонистонга қўшин киритганига оид мулоҳазаларини “қачонки сиз бир мусулмонга ҳужум қилсангиз, биратўла барча мусулмонларга ҳужум қилган бўласиз”, деган ёзув билан ифодаллаган.

Қўлга олиниш чоғида бўйнидан оғир яралангани айtilган 19 ёшли Жавҳар Царнаев ҳозир Бостон шаҳри қамқонасининг тиббий марказида шу йилнинг 30 май кунига режалаштирилган судни кутмоқда. Агар Жавҳар Царнаев айбдор деб топилса, ўлим жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Жавҳарнинг келгуси тақдири номаълум қолаётган айни кезде дунё аҳли Бостон марафонидаги портлаш мавзусида икки бир-бирига қарама-қарши фикрли гуруҳларга бўлиниб кетди.

Бир гуруҳ чеченистонлик ака-укаларни “одамлар нафратига лойиқ террорчи” деса, бошқа бир гуруҳ эса “бечора ёш йигитларни ФБР чув таширди”, демоқдалар.

Шу йилнинг апрел ойи ўрталарида Массачусетс штатининг Бостон шаҳрида юз берган қонли фожеа, америкалик блоггерлар ва кўпчилик рус кузатувчилари ҳамда таҳлилчилари мулоҳазасича, айнан АҚШ маъмурияти

ва Федерал Қидирув Бюросининг олдиндан режалаштирилган фитнасидир.

Ана шундай фикрлар ва видео таҳлилларни бугун Интернетда жуда кўплаб учратиш мумкин.

“ОКО Планеты” сайтида “Американинг Бостонидаги фитна фош бўлди” сарлавҳали таҳлилий мақола муаллифи Антон Благин ҳам худдий шундай фикрда. У ўз иддаоларини ҳужум чоғида олинган суратлар билан асослайди:

Ўқувчи фикрини энг биринчи галда портлаш содир бўлган соат ва жойга қаратар экан, мақола муаллифи портловчи модда томошабинлар саф тортган ерда эмас, балки марафон ўтаётган Boylston кўчасидаги бинолардан бирининг икки қаватли дераза ойналари орасига олдиндан ўрнатилган, дейди.

Муаллиф буни деталларда ишботлашга уринар экан, Бостондаги ҳужум чеченистонлик мусулмон йигитларнинг иши эмас, балки ФБРнинг фитнаси эканига ишонтиради.

Профессионал рус фотосуратчиси, мақола муаллифи Антон Благин ўша ҳужумнинг асосий қаҳрамонига айланган америкалик мажруҳ йигитга эътиборни қарата қуйидагиларни ёзади:

“Суратлардаги сохталаштиришларни америкаликлар воқеанинг илк куниеқ фаҳмладилар ва бу сохтачилик биринчи кунданоқ Интернетда фош қилинди. Маҳаллий блоггерлар бу саҳналаштирилган воқеа қурбони ролини ўйнашга рози бўлган мажруҳ йигитни идентификациялашга киришди. “Бу оёқсиз Ник Вогт (Nick Vogt!). Биз уни танидик!”, деб ёза бошлади одамлар Интернетда. Енгил тан жароҳати олган марафон иштирокчиларининг суратлари фотомонтаж шаклида берилганини суратлардан фаҳмлаш қийин эмас”, деб ёзади мақола муаллифи.

Унингча, дунё телевидениеларининг деярли барчасида ҳужум қурбони сифатида намоиш қилинган йигит 2002 йилда Афғонистондаги жангларда икки оёғидан ажралиб қайтган мажруҳ Ник Вогтдир.

“Бу фокусни охиригача фаҳмламаганларга яна бир марта тўшунтираман: узилган оёқлар – бу муляж, яъни Голливуд актёрлари уруш ҳақида бадиий фильмни суратга олиш чоғида фойдаланадиган муляж, айнан ўхшатишдир. Тез ёрдам креслода ўтирган қаҳрамонимизнинг юзидан унинг оғир тан жароҳати олганига ишониш қийин. Биринчидан икки оёғидан ажралган одам унинг учун ноқулай бўлган креслода ўтириши мантиққа тўғри келмайди. Лекин кўраётганингиздек баданининг ярмидан ажралган ва жуда кўп қон йўқотган қаҳрамонимиз тетик”, деб ёзади россиялик таҳлилчи Ан-

тон Благин ўз кузатувларидан келиб чиққан ҳолда.

Ушунингдек, воқеа куни олинган ва воқеадан кейин рўзномаларда пайдо бўлган суратларни ҳам бир-бири билан таққослаб, газеталарда босилган суратлар Бостон ҳужумини жаҳонга бўрттириб кўрсатиш мақсадида фотомонтаж қилинганини уқтиради.

“Бу билан асосий террорчилар халқаро ҳамжамиятнинг мусулмонларга нафратини ошироқчи эканини кўпчилик америкаликлар дарров фаҳмлади. АҚШ маъмурияти ва Федерал тергов Бюроси ўзларининг бу ярим сохта террор ҳужумга шерик экани ва жиноятчи сингари халқ томонидан фош қилинишидан ўтақаси ёрилди ва бу вазиятда сувдан қуруқ чиқиш йўлини ахтара бошлашди.

АҚШ ҳукуматининг оммавий ахборот воситаларини назорат қилиш органлари тез фурсатда халққа бошқа бир маълумотни ташлади. Яъни ҳужум чоғида иккала оёғидан айрилган йигит Ник Вогт эмас, балки Жефф Бауман бўлиб қикди.

Ўш, террор ҳужумини ярим сохталаштирган АҚШ маъмурияти ва ФБРнинг бундан кўзлаган мақсади нима эди?”, дея савол ташлайди муаллиф.

“Ҳужумнинг асосий ташкилотчиларига қимматбаҳо гувоҳ керак эди. Террористни танийдиган қаҳрамон. Албатта у ҳақиқий террорчини эмас, балки АҚШ маъмурияти олдиндан ана шу рол учун тайёрлаган ва табиийки Россияга алоқаси бўлган, шунинг баробарида “радикал исломчилар” билан алоқаси бўлган террорчини.

Бизнинг оёқсиз актиёримиз каби “террорчи” ҳам бир зумда топилди, бир эмас иккита. Асли чеченистонлик ака-ука Царнаевлар. Бу ғирт ёлғон тарихдан кўзланган мақсад битта – Россия таркибида бўлган Чеченистон ва дунё мусулмонларига нисбатан халқаро ҳамжамиятнинг нафратини ошириш эди. Чунки ака-ука Царнаевлар мусулмон эди”, деган хулосага келади муаллиф.

(Давоми кейинги саҳифада)

БОСТОН ПОРТЛАШЛАРИНИНГ ФИТНА ЭКАНИ ФОШ БЎЛДИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Эслатиш жоизки, ўша воқеадан кейин АҚШда ислом ва мусулмонлардан қўрқиб ҳиссиётлари яна-да кучайди.

Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган айрим мамлакатлар, жумладан, Царнаевлар бир муддат яшаган Қирғизистон пойтахти Бешкекда, кейинчалик, Грозний ва Москва шаҳарларида Жавҳар ва Тамерлан ҳимоясига варақалар пайдо бўлди.

Царнаевларнинг террор ҳужумига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги айtilган варақаларда “Жавҳар Царнаевнинг айби йўқ, Жавҳарнинг ҳақиқига дуо қилинг”, дея даъватлар қилинди.

Бошқа томондан эса америкалик сиёсатчилар Америка ва Европа бўйлаб мусулмон террорчилар таҳдиди кучаяётганидан лоф ура бошладилар.

Жумладан, Америка телевидениесидан чиқиш қилган вице-президентликка собиқ номзод Сара Пейлин америкаликларга куйидагича даъват қилди:

“Булар Чех Республикаси мусулмонлари эканини биламиз. Мен кўпчилик америкаликлар фикрини билдириб, айтмоқчиманки, ҳозирок у ерга боришимиз ва бу йигитларнинг таъзирини бериб қўйишимиз керак. Келинлар, Чех Республикасида тўхтаб қолмасдан, бутун араб мамлакатларини кезиб чиқайлик! Араблар бу ёққа келиб мана шундай учраган ҳамма нарсани портлатавериш мумкин эмаслигини билиб қўйишин! Келинлар Исломободни бир жуфт ядровий ракета билан ўққа тутайлик, Прагани ёндирайлик, кейин Техроннинг кулини кўкка совурайлик. Биз уларга жиддий шай кайфиятда эканимизни кўрсатиб қўйишимиз керак”, деди 2010 йилда Жанубий Кореяни Шимолий Корея билан чалкаштириб, Шимолий Кореяни АҚШнинг ҳамкори деб атаган Алясканинг собиқ ҳокими Сара Пэйлин.

Бунинг ортидан ер юзида Чеченистон, деган мамлакат борлигидан хабарсиз америкаликларда Чех Республикасига нисбатан нафрат пайдо бўлди. Улардан баъзилари ҳеч қачон Чехияга саёҳат қилмаслигини айта бошлади.

Юзага келган вазият Чехия расмийлари ва Американинг у ердаги дипломатларини чехияликларнинг Бостонда юз берган ҳужумга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини изоҳлаш ва Россия таркибида бўлган Чеченистонни Чехиядан фарқлаб тушунтириш беришига мажбур қилди.

Айни пайтда Бостон марафонига ҳужум атрофидаги турли қарашлар ва бу ҳужум доирасида Россия билан Америка ўртасида аввал бошланган “жосус-жосус” ўйинлари ҳали ҳам давом этмоқда.

Зулфия

СУРХОНДАРЁ ТАЪЛИМИДАГИ ПОРАХЎРЛИКЛАР



Қадимдан юртимиз илм-фан бешиги, маданият маркази бўлиб келган. Лекин ҳозир аввалги қудрат ва зиё мавжудми? Бугунги кунда ҳамма соҳалардаги каби таълим соҳаси ҳам порохўрлик ботқоғига бўйнигача ботиб бўлди десам ҳеч муболаға бўлмайди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Поян Бакиров бошчилигида бугунги кунда порохўрлик марказларидан бирига айланиб улгурган (аниқроғи айлантирилган).

Бундай дейишимнинг сабаблари бор албатта. Ўрта махсус таълими соҳасидаги ҳар-бир раҳбар ва ходимлар бунга яхши билишади. Тез кунлар ичида Термиз шаҳрида Ал Ҳаким ат Термизий хотирасига бағишланган хотира турири ва “Битирувчи ёшлар – Президент фарзандлари” ёшлар фестивали бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан шаҳардаги ҳар-бир коллеж ва лицейларга шаҳар ичи ва ташқарисида маълум миқдорда марказий кўчалардан ер ажратилган бўлиб ўша ерга бириктирилган ташкилот у ерни тозалайди, бўёқ қилади, бузилган жойларини тузатади ва х.к. Ҳозирда Термиз шаҳрининг марказий кўчаларида кўп қаватли уйлари таъмирлаш ва кўча атрофларини тозалаш ишлари олиб борилмоқда. Ва албатта бу ишларни бошида мустақил ватанимизнинг жонкуяр қуллари ўқитувчи ва ҳамширалар турибди.

Бошқарма бошлиғи П. Бакировнинг янги “таклифига кўра” ташкилотлар ўзларига бириктирилган ерларда ишларини ёки мардикор ишлатиш учун 500 000- 600 000 сўмдан пул йиғиб беришлари керак. Албатта бу пуллар бошқарма бошлиғи ва ялоқхўрларининг чўнтагига киради. Қилиниши керак бўлган ишларни эса бироздан кейин яна ўша ўқитувчи ва ўқувчилар қилишади. Шаҳримизда шунақа каттароқ тадбир ва байрамлар бўлса ҳокимият ва бошқармалар учун пул ишлашга шароит яратилади.

Яъники ободонлаштириш ва гул экиш баҳонасида ҳамма ташкилотлардан пул йиғиб олишади. Буларнинг пул йиғиш усуллари шунчалик кўпки ҳайрон қоласиз.

Масалан ўқувчиларга кино кўйиш, гул экиш баҳонасида ўзлари гул олиб келиб нархи устига нарх қўшиб коллежларга мажбурлаб сотишади, Тошкентдан текшириш келди деб вилоятдаги ҳар-бир коллеждан маълум миқдорда пул йиғиб олишади. Бунақа сабабларни санаб охирига етиб бўлмайди.

Бу ишлараслида аввалги бошқарма бошлиғи Т. Марданакуловдан мерос бўлиб қолди. Ўша киши бунақа пул ишлаш усуллари бошқарма ходимларига ўргатиб кетди. Ҳозирги бошқарма бошлиғи П. Бакиров ҳам унинг ишларини давом эттириб келмоқда. Мени ёзганларим дарёдан томчидай гап ҳулосани ўзингиз чиқарасиз азиз ўқувчи.

Шундай қилиб келажаги буюк ватанимизнинг келажагини тарбиялайдиган ва тарбиячиларни бошқарадиган, уларга ўрнатиб бўлиши керак бўлган ташкилот порохўрлик марказига айланганки, бундай соҳадан қандай қилиб бирор яхши натижа кутиш мумкинлиги кишини ўйлантиради. Ҳозир юртимизда ҳамма бугуни билан яшашпти, айниқам раҳбарлар.

Бугун ўтса бўлди эрта билан ҳеч кимни иши йўқ. Бугун қанча кўп пул топса бўлди халолми-ҳаромми эртага нима бўлади ҳеч кимни ҳеч қандай иши йўқ. Афсуски буларни ҳаммаси бугунги Каримов сиёсатининг махсули-натижасидир.

Қадимда инқилоб бўлишидан олдин ҳамма жойда бош-бошдоқлик, сенсоларлик бир-бирига бўйсунмаслик ва бугунги кун билан яшаш каби жараёнлар юз берган. Бугун эса бу жараёнлар бизни ватанимизда яққол кўзга ташланмоқда ва инқилоб рўй беришига оз фурсат қолди. Ҳар нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бўлгани каби Каримов режимининг ҳам интиҳоси кўриниб қолди.

Каримов режимини бугун қанчалик чириганлиги ва чарчаганлиги сезилиб турибди. Шундай экан азиз ватандошлар, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати атрофида бирлашиб бу тугаган сиёсатни “пенсияга” қузатайлик. ИншоАллоҳ Ўзбекистон Халқ Ҳаракати халқимизга ҳақиқий истиқлол ва эркинлик беражак.

А. Урозов
Термиз

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: СЎРОВ ЎТКАЗИЛДИ, ХЎШ, НИМА ЎЗГАРДИ ЁКИ НИМА ЎЗГАРАДИ?

Ўтган ҳафта давомида Самарқанд умумтаълим мактабларида ота-оналар ўртасида сўров ўтказилди. Аноним тарзда жавоб беришга мўлжалланган анкетага мактабдаги таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши ҳамда ўқувчилардан пул йиғилиши ёки йиғилмаслиги ҳақида саволлар киритилган эди.

Неварам ўқийдиган мактаб мажлислар хонасида ота-оналар (аниқроғи, 95 фоиз оналар), улар ўрнини босувчи қариндошлари тўпланган эди. Дастлаб шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг (эндиликда шаҳар халқ таълими бўлими шундай аталади) икки нафар ходими сўров ўтказиш нега керак бўлганлигини изоҳлаб беришди.

Уларнинг айтишича, ота-оналардан мактабларда пул йиғиш авжига чиққанлиги ҳақида юқори ташкилотларга қўлаб шикоятлар тушган. Бу гап-сўзлар қанчалик тўғрилигини билиш учун сўров ўтказилаётган экан.


Сўровномада жумладан шундай саволлар киритилган эди (савол анкетада қандай ёзилган бўлса, шундайлигича келтирилмоқда)

- мактабда металл олом, макулатура, ремонт ишлари, парда, мактаб фонди, синф фонди, фаррош, қоровул учун пул йиғилиб туриладими? Пул йиғилиб турса қанчадан ва қанча муддатда, ким томонидан йиғилади? Сиз бунга қандай қарайсиз? - байрамлар, битирув кечалари, “Алифбе” байрами (4-9 синф) синф раҳбари ва мактаб директорининг туғилган куни учун фарзандларингиздан пул йиғилиб туриладими?

Бу саволларни ўқиб, ота-оналар хайрон бўлиб ёқа ушлашди. Наҳотки, саволларда санаб ўтилган пул йиғиш ҳолатлари шунчалик сир эканки, уни халқ таълими мутасаддилари билишмаса?! Ахир, йиллар давомида ота-оналар металл олом, макулатура, ремонт ишлари учун пул тўлаб келишаётганлигидан улар беҳабарми?

Сўров номигагина, кимнидир қистови билан ўтказилаётганлиги саволларга бе-

риладиган жавоблар учун ажратилган жойнинг сўровномада бир-икки қатор билан чекланганлигидан ҳам билса бўлади.



Неварам ўқийдиган мактаб ўқитувчиларидан бири сўровни нега айнан шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ўтказаяётганлигини тушунмаслигини уқтирди. “Ўқитувчи ва ўқувчилардан пул йиғиш одатий ҳолга айланган.

Турли комиссиялар учун пул йиғамиз. Ҳар хил тadbирлар учун пул йиғамиз. Э-хе, қайси бирини айтмай. Буни раҳбарларимиз яхши билишади”, — таъкидлади суҳбатдошим.

Хўш, сўров ўтказилди, нима ўзгарди ёки нима ўзгаради? Ҳар бир қилинган ҳаракат натижасиз қолса, у кимга керак? Номигагина, ҳисобот учун ишлаш вақти ўтиб кетмади?

Тошпўлат Раҳматуллаев

ЖАСЛИҚ ЗИНДОНИ — ИСЛОМ КАРИМОВ МАҲСУЛИ



Азиз биродарларим, сизларга Жаслиқ қамоқхонаси тўғрисида билганларимни ҳавола этмоқчиман. Шахсан мен билан бирга қамоқда бўлган бир биродаримиз ҳаётдан бир парчасини сизларга айтиб бермоқчиман. Кунлардан бир куни Андижон шаҳридаги 64/Т1 қамоқхонасига Жаслиқ зиндонидан этап (кўчириб) қилиб бир биродаримизни олиб келишди.

Бу биродаримиз билан бўлган суҳбатимиз давомида Жаслиқ қамоқхонаси нақадар аянчли аҳволда экани ва инсоният учун яшаш шароити бўлмаган бир чўлдаги концлагерини тасвирлаб берди.

Бу таърифни айтмаса ҳам, унинг ташқи кўринишидан худди шу ҳолатни кўриб тургандек ҳис қиласиз. Шу даражада озиб кетганки, ранги қонсизликдан оқариб кетган, гапирганда ҳар бир гапидан кейин дам олиб-дам олиб гапирётган бу йигит бор йўғи 30 баҳорни қаршилаган эди холос.

Аммо кўринишидан 50 ёшдан ошгандек қариб кетган ва сочлари йўқ, тишлари эса зах ерларни ҳисобига ва қуёш кўрмаганлигидан тўкилган ҳолатда эди. Бу биродарнинг айтишича Жаслиқда ҳар куни ерталаб ва кечки пайт Ўзбекистон Республикаси гимнини мажбуран айттирар экан. Кетидан «Жаслиқ жақасинда ўсган бай терак, шақаси бар минг бўлар демек», деган Жаслиқ турмаси гимнини ҳам айтирилар экан.

Бу биродаримизни айтган гапидан юракларимиз эзилиб кетар эди. Жаслиқда ичиш учун сув ҳам муаммо экан. Малерия ҳасталигидан азобланиб ҳаётдан кўз юмган биродарла-

римиз ҳам йўқ эмас экан. Сунъий зах ҳолатига келтирилган камералар туберкулёз касалига чалинишлари учун махсус тайёрланганлигини ҳам айтган эди. Жаслиқ турмасига киришимиз билан конвой ва опер частдагилар «Борса келмасга хуш келибсиз!»

Аммо қайтмайсиз, бу ернинг тупроғи оғир»- деб бизни психологик ўлимга тайёрланишимизга қақаришар эди. Жазоларини ҳилма-ҳиллигидан ҳайратда қоласиз. Баъзиларимизни сувли камераларга киргазиб, сувда ялангоёқ қилиб қийнашса, баъзи маҳбусларни сувсиз қийнашар эди, дейди. Аллоҳ бу биродарларимизга ёрдамчи бўлсин. Иншааллоҳ нусрат яқин.

Ҳамма билганимни ёзсам, бир қанча саҳифалар тўлиб кетиши мумкин. Аллоҳ мазлум биродарларимизни бизнинг ҳаққимизга қилаётган дуоларини ижобат қилсин. Бизнинг ҳам уларни ҳаққига қилаётган дуоларимизни ижобат қилсин. Амийн, Ё Роббул Аъламийн. Ва тақоббал дуъа.

Шоший

Бу юрт, бу тупроқ, бу гўша Ўзбек Халқиникидир. Ундаги табиий бойликлар ҳам Халқиникидир. Бу неъматлар қачонки Халқдан ортса ва сизга илинса ана шунда олишга ҳақлисиз, Каримов. Халқ ҳаққини ейишингиз билан халол ҳаромнинг фарқига бормаслигингиз очиқ кўриниб келган шу вақтгача.

Ўзбекистон бизники ва сиздан кейин ҳам қанча Диктаторлар келмасин у бизники бўлиб қолаверади. Ҳеч қаерда Ўзбекистон Ислому Каримовники дейилмайди, Ўзбекистон Ўзбек Халқиники дейилади.

Ўзбекистонга қанча ўзгартириш киритманг, қанча тус ва ранг берманг, қанча хужайин бўлманг барибир унга эга чиқолмайсиз. Қанча одамни қамаманг, қанчасини бошини олманг, барибир Ўзбекистон Ўзбек Халқиники бўлиб қолаверади.

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗБЕК ХАЛҚИНИКИДИР ЖАНОБ КАРИМОВ!



Ўзбек Халқи хар қандай шароитга мослаша оладиган, йўл топа билладиган Халқдир. Ўзбекистонда эса сиз нима қаромат курсатишингиздан қатъий назар, Ўзбек Халқи Ўзбекистонни ўзига мослаштираверади.

Шу вақтгача Халқ яшади ва бундан сўнгра ҳам яшайди. Сиз балки Халқ мулкига эга чиқарсиз, балки бор будини тортиб оларсиз аммо барибир бутун Ўзбекистонни тортиб ололмайсиз, шахсий мулк қила олмайсиз, улар Халқ номида абадий қолаверади.

Сиз вақтинча бир таёксиз, бир кун эса синиб адо бўласиз, Халқ эса мана ман деган таёқларни сабри билан синдириган, сизни ҳам синдиради бу авом Халқ.

Сиз маданиятимизни бузарсиз, эътиқодимизни бузарсиз бироқ ўзбеклигимизча қоламиз, бизда ҳар замонда сиздек “даҳолар”нинг сиёсатига имунитетимиз бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади.

Бу шундай имунитетки ўз ўзбеклигимизни ҳамон сақлаб келмоқдамиз, мана бизнинг бардошимиз, мана бизнинг миллий имунитетимиз.

(Давоми кейинги саҳифада)

Талабалар шаҳарчасида, яъни Бериуний метроси билан Техник ҳамда Миллий университетлар ўртасидаги хиёбон йўлида ўзимнинг навбатдаги ташриф қоғозлар (визиткалар) тарқатиш акциямни ўтказдим. Бу ташриф қоғозларда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ва ЭРК партиясига тегишли сайт адреслари ва телефон рақамлари битилган эди. Эрталаб соат 11 ларда чўнтагимдаги барча визиткаларни тарқатиб, энди автобусга чиқмоқчи эдим. Бирдан метродан чиқиш майдонида айланиб юрган милиционер мен томонга қараб бақирди.

-Мана бу нарсани сиз тарқатдингизми, деб ёнимга яқинлашиб келди. Ёнимда бирорта ҳам визитка қолмаган эди. Шунинг учун ҳам:

-Мен бунга тарқатмаганман, дедим. Милиционер билан ади-бади айтишганимиздан кейин мени Олмозор тумани ИИБсига олиб келди. Бошқармада менинг устимдан суруштирув ишларини бошладилар.

Мен анчагача "айбимга" иқроп бўлмадим.

Олмозор тумани ИИБсида мен билан милиция ходимлари 5-6 соат давомида шуғулландилар. Бунинг ҳаммасини қоғозга туширсам, кўпчиликни зериктиришим аниқ. Шунинг учун мен бу ерда муҳим нуқталарга тўхтамаман.

Соат 12 лар чамаси шаҳар бош бошқармаси терроризмга қарши курашиш бўлими бошлиғи подполковник "Бахти" ўз командаси билан мени ушлаб туришган кабинетга етиб келди. Мен у билан 22-сентябр 2012 йилдан бери 6-чи марта рўбарў келишим эди. У мени кўриши билан:

-Сиз энди бу ердан уйга кетмайсиз. Кўчада яйраб юришингиз тугади. Энди мен сизни кўп йилларга бошқа жойга тикиб қўяман, - деди.

"Бахти" шу оҳангда менинг устимдан суруштирув ишларини бошлаб юборди. Ҳазаб ва нафрат билан бошланган суруштирув ишлари анчагача давом этди. Кейин у бошқа хонада 15-20 минут бўлиб қайтди.

"Бахти" мен сўроқ қилинаётган хонага яна кириб келган:

-Нураддин ака, мен сизни бугун қамамайман, - деди. Лекин сиз менга бугун нима ишлар қилганингизни тўғри баён қилсангиз, саволларимга тўғри жавоб берсангиз, сизни қўйиб юбораман, фақат тўғри гапиринг. Бу нима мақсадда қилинаётган акция эди? - деб гап бошлади.

-Визитка тарқатишдан мақсад ЭРК партияси ва Ўзбекистон Халқ Ҳаракати мақсадларини мамлакатимиз аҳлига таништиришдир.

-УХХ қандай ташкилот?

-ЭРК пленуми бундан икки йил аввал УХХни таъсис қилишга қарор қилди.

УХХ Швеция ҳудудида ташкил қилинди ва у ерда рўхатдан ўтти. Мақсад мамлакатдаги демократик, халқпарвар жамоаларни ва инсонларни бирлаштириб, халқ учун адолатли тузум ўрнатишдир.

-Бу мақсадга қандай эришмоқчисизлар?, деди.

-2015 йилги президентлик сайловларида партиямиз лидери Мухаммад Солиҳ, албатта ўз номзодини қўяжак,

БАХТСИЗ «БАХТИ»ЛАР



биз бунга таёрланаяпмиз, дедим.

- Сиз ёзганда Мухаммад Солиҳ эмас, Мадаминов Салай деб ёзинг, Сиз у киши билан қаерда ва қачон учрашгансиз? - деди.

-Мен Мухаммад Солиҳ билан 1990 йиллари у Тошкентдалигида, ЭРК партияси идорасида танишганман, - дедим.

- Партиянинг оддий аъзоси сифатида менга берилган топшириқларни ҳам бажарганман. М Солиҳ ватандан четга кетгандан кейин алоқа тўхтаган, - дедим.

-Энди топишибсизларда, деди.

-Ҳа! Вазият шуни талаб қилди, - дедим мен.

-Сиз, менга айтган шу сўзларингизни худди айтганингиздай қилиб, қоғозга тушириб беринг, - деди.

Мен айтганимдай чиройли қилиб, ёзиб бердим. "Бахти" яна бироз фурсат нариги хонага ўтиб кетди. Қайтиб келгач:

-Нураддин ака, энди яна менга фақат тўғриси айтинг, нима учун сиз визиткани именно ВУЗ городоқда тарқатдингиз? - деди.

-Бу тасодиф. Биз бу акцияни, Тошкентнинг барча ҳудудларида қилмоқчимиз, - дедим.

-Гапни олиб қочманг, деди ва саволини қайта қайта такрорлади. Мен эса гапимда туриб олдим. Бироз сукутдан кейин хонада ўтирган милиция аҳли бир бирига қараб:

-Булар, яна талабаларни кўтармоқчи! — деб, ўз саволига ўзлари жавоб бердилар.

Ҳужжатлаштириш охирига етганда "Бахти" командасининг яна бир аъзоси мени саволга тута бошлади.

-Сиз менга қисқа таржимаи ҳолингизни баён қиласиз, мен эса ёзаман. Нураддин ака, фақат тўғриси айтасиз. Бу протокол учун эмас, бу бошқа нарса учун, деди. Шу гапларни қайта қайта такрорлади. Мен қисқача қилиб таржимаи ҳолимни баён қилдим. Қаерда туғилганимни, ўқиганимни ва қаерда ишлаганларимнинг барчасини айтдим. Оилам тўғрисида ҳам қисқа лекин тўла маълумот олди.

Мен соат 11 лардан ўтиб ИИБга кириб келган бўлсам, соат 23да мени қўйиб юбордилар. Менга турли туман саволлар беришди. Ҳар тамонлама турткилаб қўришди. Қисқаси қай даражада ва қай формада фикрлайдиган бўлсам, шундай баён қилдим. Мулоқот очиқ ва юзма юз бўлди. Гапининг бирида "Бахти":

-Агар Мадаминов Салай президент бўлса, сиз ким бўласиз, — деди ҳазил аралаш.

-Иккинчи одам бўлишим ҳам мумкин, дедим мен ҳам ҳазил аралаш.

-Демак, Пример.. экан-да, - деди.

-Мен ўз соҳам бўйича подшога советник бўлсам ҳам ёмон бўлмайди, — дедим.

-У пайтда менинг ҳолим не кечади? — деди ҳазилни давом эттириб.

-Биз одамларни дунё қарашига қараб ажратмаймиз ва жазоламаймиз. Шу ойдун кунлар келса мен сизга 100 буқа ва 1 га ер берардим. Семиртириб сотардингиз, фойдасига яшардингиз, - дедим.

-Шунинг ўзи, менинг учун нақазаниеку, - деб кулди. Мен шаҳар ЭРК партия ташкилоти мажлиси протоколи билан танишман. Абдулло Тожибой раис бўлибди, сиз эса котиб бўлибсиз, — деди.

-Бу хабар сайтимизда чиққан эди. Сиз ҳам УХХ сайтига кирар экансиз-да, - дедим мен.

У мийиғида кулиб қўйди.

Бўлаётган бу ҳангомани кимдир тепадан телефон орқали бошқараётгани аниқ эди.

Талабалар шаҳарчасидаги ушбу ҳангома мени расмий огоҳлантириш билан тугади. Огоҳлантиришнинг қоғоз нусхасидан менга бермадилар.

Олмозор тумани ИИБ бошлиғи имзолаган огоҳлантириш ёзуви икки қисмдан иборат эди. Биринчи қисмда Мухаммад Солиҳнинг "нотўғри" сиёсий фаолияти ва унинг ҳукумат тамонидан изланаётганлиги баён қилинган бўлса, иккинчи қисмда Ўзбекистон ҳудудида норасмий ва рўйхатдан ўтмаган ташкилотларга аъзо бўлиш мумкин эмаслиги ёзилганди.

Мен шу важлар билан 2013 йили 10-май куни огоҳлантирилдим.

Джуманиёзов Нураддин

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗБЕК ХАЛҚИНИКИДИР ЖАНОБ КАРИМОВ!

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Сиз аслида таёқ эмас, кетмон бўлишингиз керак. Оқаётган ариқ сувини керакли йўналишда очишни мақсад қилишингиз мана фойдали иш сизга, аммо таёқ бўлиб уришингиз бизни этимизнигина котиради. Натижада ўша сиз йўл очмаган ариқ бир кун тошиб сизни ҳам ўзи билан окизиб кетади.

Ўзбекистон Ўзбек Халқиникидир, сиз эса бир вақтинчалик чақирилмаган, хурмати битган бир меҳмонсиз. Ҳар қандай меҳмон учун уч кунлик иззат биз учун вожиб гарчи у чақирилмаган бўлсада.

Мана энди Ўзбек Халқи 23 йил сизни меҳмон туганига тан беришингиздан бошқа иложингиз йўқ. Мана шунинг учун ҳам дунё диктаторлари бизнинг Ўзбекистонимизда азалий меҳмон бўлишни орзу қилишади, чунки бизда меҳмон хурмати ва ота ҳақки ўзаро тенглаштирилади.

Ўзбекистон учун қанча чақирилмаган меҳмон келмасин, қанча иззат топмасин, бу диёрда, бу гўшада барибир мезбон бўла олмайди чунки Ўзбекистон Ўзбек Халқиникидир.

«Адолатга бир кадам» гуруҳи

Этибор беринг азизлар, кун сайин Каримов фақат текширувни ва зулмий бошқарувни тинимсиз кучайтирмоқда. Янги-янги фармонлар бераёпти, ва шу билан бирга халқни тафтиш қилиш масаласи ҳаддан зиёд юқори даражага етиб борди. Нега?

КАРИМОВ ЎЗ НАЗОРАТИНИ САЛ БЎШАШТИРСА ИНҚИЛОБ ЖУДА ТЕЗ ОРАДА ЮЗ БЕРАДИ

Давлатимизнинг бу кўринишдаги “ислохотлари” фонида эса, унинг содир бўлиши мумкин бўлган инкилобдан ҳадиксираши ётибди. Янги гуруҳлар, янги кучлар пайдо бўлмоқда. Давлат эса тинимсиз равишда элга қарши ўз кучини ва босимини оширишга мажбур бўлаёпти. Бу кетишда давлат ҳам, унинг тизимлари ҳам холдан тойиш эҳтимоли юқоридир. Хукумат структураларининг бирозгина бўшаши одамларни бош кўтаришига олиб келиши ҳам мумкин.

Шундай экан, давлат халқ орасидаги муҳолиф лидерлардан, ҳамда муҳолифатга моддий кўмак бериши мумкин дея гуноланаётган бойлардан ҳам ҳадиксирайди. Бойлардан ҳадиксираши, уларнинг маблағи ва инкилоб учун таъминоти бўлади, курул аслаҳа билан, керакли алоқаларни ўрнатиш билан фойдалидир улар. Ли-

дерлар эса халқда шижоат уйғота олади ва уни ортидан эргаштиради. Бу билан кўзғолонлар уюштирилади. Давлатнинг мунтазам бойларга тинчлик бермаслиги, доимий назорат этиши, ҳамда лидерларни сўзсиз йўқ қилиши — бу давлатимизнинг ҳадиксираётганига яна бир исботдир.

Бекорга ўлкада тинмай халқ мол-мулки талон тарож этилмайди. Бунда қонун кучини ўрнатиш эмас, балки одамларни оч ва имконсиз бир ҳолатда ушлаб туриш учун амалга оширилади. Хукуматнинг ўзи қонун доирасида сиёсат юритмагани учун ҳам, биз мазкур тунаш ишларини қонунга йўя олмаймиз. Порахўрлик ҳамда коррупция юқори бўлган бу ўлкада қонун устуворлиги ҳақида сўз айтишнинг ўзи аслида беманиликдир. Одамларнинг бойиши ортидан уларда албатта маълум микдорда куч пайдо бўлади, камбағалда куч қайдан ҳам пайдо бўлсин? Уни кучи фақат пул топиш учун ишлатилади. Бойинг инсон эса энди юқорига қараб ўса бошлайди.

Оқибатга ўз ҳақ-хуқуқлари поймол этилаётганини тушуниб егади ва уларни талаб қила бошлайди. Камбағалчи?

Камбағал эса кўнучан бўлади, унинг на таниши ва на ижтимоий кучи бор. У қорин ғамида тинч пул топиш ва ундан айрилмаслиги учун ҳамма топташларга тайёр бўлади. Мана, нима учун давлатимиз одамларни тинч яшагани қўймайди, мана нега одамларни аксарияти йўқчиликдан

азият чекади. Бойлар эса доимий таланади ёки қамалади.

Халқни оч тутиш сабаби мана шундандир, яъни одамларни бошини кўтармасин. Бу билан улар ўз ғамларидан ортишмайди, сиёсатга эса аралашилари у ёқда турсин, вақтлари ва хоҳишлари ҳам бўлмайди. Бу эса Каримов ҳукумати учун қони фойда! Одамлар қанча оч тугилиса, Каримовнинг қўлига шунчалик маҳтал бўлиб қарашади.

Каримовнинг даври ҳам, ёши ҳам охираб қолиши муносабати билан бу ўтиш даврида инкилоб учун жуда қулай вазиятлар бўлиши кутилади. Мана шундай ҳолатларда албатта инкилоб чақириқлари бўлади, ана ўша имкониятлардан фойдаланиб қолишимиз шарт! Зеро кейин бундай имкон бўлмайди.

ИҲМОН МУФАССАЛ

ТАШНАЛИК

Бу кескир дунёда инсон ҳар дақиқада бир тингловчига, бир суҳбатдошга ташналик сезиб туради.

Ёзувчи Чингиз Айтматов ўз хотиралирида ёзади: «Болалик давримда овулимизда истиқомат қиладиган битта хурматли оқсоқол: «Мана, энди гаплашадиган одам ҳам қолмади», деб тез-тез ҳолирди.

Уша пайтлар ростокамига ёқамни ушлардим: Оқсоқол жуда инжиқда! Кейинчалик англаб етдимки, оқсоқол фақат ҳамсуҳбатга эмас, тингловчига ҳам ташна экан!

Аммо Роббининг каромати, суҳбати ва мажлисини топган мўминда ўзга бир суҳбатдошга эҳтиёж қолмас экан. Чунки Унинг суҳбати Унинг зикрини ширин қилар, шунда қалбдан бошқа суҳбатларга ташналик, ўзга нарсаларнинг ширинлиги чиқиб кетар экан.

Ривоят қилишларича, Мусо алайҳиссалом Рабби билан сўзлашганларидан сўнг узоқ муддат инсонларнинг суҳбати ва сўзини эшитмай юрардилар, агар эшитсалар кўнгиллари озарди.

Аслида инсон мустаҳкам суянчиқ (Вакил) топганидан сўнггина тингловчи ва суҳбатдошга эришар экан...

Илму-ирфон ўчоғи бўлмиш Тошкандек шаҳри азимда билган кишиларимнинг биронтаси на тақвода на илмда менда қониқиш ҳосил этмасди. Нуқул қишлоққа ўз акам ҳузурига югурардим. Ҳамма саволларимга жавоб олар эдим. Бошимга бир иш мусибат тушса «ака!» деб сим қоқардим ва икки оғиз гапидан ўзимга келардим.

Баъзан у киши билан суҳбат ҳам қилмасдим, акам мени тингламасди ҳам. Сукутининг ўзидан бир дунё файз, ибрат олиб ўзимга қайтардим. Қишлоққа фақат акам берадиган сукут илмининг дарсларини соғиниб ошиқар эдим.

Унга қаттиқ суянган эканман. Бир куни Аллоҳ ўша суянчиғимни йиқитди. Ушандан сўнггина том маънодаги Тингловчи ва Таянч топдим.

Аммо буларнинг ҳеч бирига мусибатсиз эришиб бўлмас экан. Қуйидаги ривоят бу фикримни қувватлайди:

Қўмондонлардан бири зафар кучиб, Умар розияллоху анҳунинг ҳузурларига кирди. Унинг олдида ўрта буйли бир киши ҳам бор эди. Ҳазрати Умар: «Бу ким?», деб сўрадилар. Қўмондон: «Бу менинг қулим. У мен билан ғазотда бирга бўлди. Энг яхши хабарларни келтирди. Ғалаба учун кўп хизмат қилди.

Мен унга суяниб, унинг соясида ғалаба қозондим», деб жавоб берди. Анча вақт ўтгандан сўнг ўша қўмондон Умар(р.а)нинг ёнига мағлуб ҳолда келди.

«Ҳалиги ғуломинг қани?» деб сўрадилар Ҳазрати Умар. «Эй амирул-мўминин, у менга хиёнат қилди, душман томонига ўтиб кетди», деди. Шунда Ҳазрати Умар: «Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга таянмаслик кераклигини ўтган сафар айтишдан воз кечдим. Сабаби — бир мусибат мингта насихатдан яхшироқ эканини англашгини истаган эдим», дедилар.

Марзия Мумтоз

КИМ БИЛАН БИРГАМИЗ?



Балиқ сувни ёриб юргани каби инсон ҳам зиён-заҳмат ва ёмонликларни ёриб сузиб юради. Фақат Аллоҳнинг паноҳига эришсагина бу иш енгиллашади.

Ибн Сунний ва Имом

Аҳмад ривоят қилган бир дуода шундай дейилган: “Яхши одам ҳам ёмон одам ҳам четлаб ўтолмайдиган Аллоҳнинг мукамал калималари билан паноҳланаман. У яратган нарсаларнинг ёмонлигидан, осмондан тушадиган нарсаларнинг ёмонлигидан ва унга кўтарилувчи нарсаларнинг ёмонлигидан, ерда таркатган-ўстирган нарсаларнинг ёмонлигидан, кеча-қундуз фитналарининг ёмонлигидан, қар бир эшик қоқиб келувчининг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Фақат яхшилик билан эшик қоқувчи бундан мустасно, эй Раҳмон!» Бугунги кунда кўпчилик касалликдан нолийди. Дўхтир ва табибларнинг зўрлари ҳақида бахслашиб кетади. Аммо мен бир нарсга аминманки, ҳақиқий соғлик

Аллоҳнинг ёди ва зикрида, ҳақиқий оғрик эса Уни унутишда экан.

Биз эса оддий зиён-заҳмат ва беморлик пайтида ҳам Уни зикр эта олмаймиз. Инсон Аллоҳ зикридан ғофил бўлган дақиқадан бошлаб балолар ичра чўка бошлайди. Нуҳ алайҳиссалом даврида қавм ўз пайғамбарларининг сўзларини эшитмаслик учун кулоқларига махсус тикинлар тикиб юришар эди. Хозир махсус тикинларнинг ҳеч кераги йўқ, чунки атрофимизда Аллоҳ ёдидан ғофил қолишимиз учун маънавий «тикин»лар бисёр. Соғайишнинг бирдан бир йўли суннат Билан хулқланиш, дуо билан кўрғонланиш, ҳалол билан озиқланиш. Шундагина зиён, бало ва ёмонликлар денгизда чўқмаслик мумкин.

Султон Ёвуз Салимнинг болаликдан тарбиячиси бўлган Ҳасан Жон подшоҳнинг вафоти ҳақида шундай деган эди: “Елкасига чипқон чикди. Яра тез орада каттариб, тешик холига келди. Яранинг ичидан унинг упкасини кўриш мумкин эди. Подшоҳ оғир азоб чекарди. Ёнига келиб: Подшоҳим Аллоҳ таоло Билан бирга бўлиш пайти келганга ўхшайди, дедим. Подшоҳ мен томонга ўтирилди ва ҳайрат билан: Ҳасан!.. Сен бугунга қадар мени Ким билан бирга эди, деб ўйлардинг, дея жон таслим этди. Хўш, биз ким билан биргамиз?!

Марзия Мумтоз

ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Эгзема учун фойдали нарсалар: Қатик, қизил лавлаги, сабзи, олма сувлари истеъмол қилиш; газанда, чўпонтелпак ва сачратқи ишлатиш; эгземани денгиз ёки булоқ суви билан, хусусан, олтингугурт суви билан ювиш; эгземани қашиш ва қонатиш; эгземали жойларга тош тузи ва сирка суриш; атрофига банка қўйиш, хожамот ва зулуклар билан қон олдириш; хижрий ойларнинг 13,14, 15-нчи кунларида доимий очлик тутиш. Инглиз тузи ҳафтада бир марта ичиш.

Эгзема учун зарарли нарсалар: Тайёр қўшимчали таом ва ичимликларнинг барчаси, сосиска, колбаса каби аралаш гўшт маҳсулотлари.

Эски тухум ва тухум кукуни, пастеризация қилинган, туриб қолган сут ва сут кукуни, тузлама ва аччиқлар, нордон ва ўта ширин таомлар, гени ўзгарган маҳсулотлар, синтетик дори ва витаминлар, парфюмерия, кир порошоги, идиш товоқ ювиш суюқлиги, туалет тозалаш моддалари ишлатиш.

Садаф (Псориазис, барас, қора барас)

Нормал тери хужайралари 28-30 кунда етишади ва тери юзидан тўкилади. Лекин садаф касаллигида тери хужайралари 3-4 кунда етишади ва улар уст қатламда йиғилиб, теридан қизил бўртмалар чиқаради.

Тез-тез учраётган бу касаллик оқ танлиларда кенг тарқалган. Статистикага кўра, ғарб мамлакатларида кишилар сонининг юзда иккисиди садаф касали бор.

Бу касалликнинг сабаблари “Гўшт”, “Саратон” ва “Витилиго” бўлимларида айтилди. Садаф ва витилиго томири бир бўлган икки касаллик.

Оддий ҳолатларда, қон гуруҳи “О” бўлганлар - буғдой маҳсулотларидан, қон гуруҳи “А” бўлганлар - мол (қизил) гўшт маҳсулотларидан узоқлашсалар, умумий даволашнинг бошидаёқ, безовталиклар кетади.

Даволаш

Умумий даволашдан бошлаб, жигар, мия, сийдик йўллари ва буйрак тозалаш қилинади. Садафга яқин ўринларга хожамат қилинади, садаф устига зулук қўйилади.


Умумий даволаш учун “Эгзема” бўлимига қаранг.

Умумий даволаниш билан бирга муайян(локал) бўлгалар ҳам даволанади:

Садафли жойларда ҳар ҳаммомдан кейин зайтун ёғи сурилади.

Кейин туйилган қораарча шишқаси ёки қора хантал ёки қора турп уруғи, майда кукун холида садафли жойларга яхшилаб едирилиб сурилади.

Буларнинг ўрнига садафли жойларга аччиқ қовун суви ҳам яхшилаб еди-



рилиб, сурилиши мумкин.

Ёки:

Янги чинор пўсти сирка билан қайнатилади ва садафли жойларга сурилади.

Ва Ҳафтада 2 марта эрталаб 30 гр инглиз тузи сувда эритилиб, оч қоринга ичилади.

Лаванда суви

зайтун ёғи билан ичиш, сўнг анжир ейиш, талокни тозалайди ва садафни томири билан йўқотишда ёрдамчи бўлади.

Лаванда шарбатининг тайёрланиши:

1 ош қошиқ лаванда гули 500 гр сув билан паст оловда 5 дақиқа қайнатилади, 15 дақиқа туриб, сузилади. 40 даражагача совуғанида етарли миқдорда асал кўшиб, кунда 100-150гр ютум ютум ичилади, музлатгичда сақланади.

Халқ орасида айтишлишича, Мадина тупроғи садаф учун шифоли.

Асро Г., (20 ёш, Истанбул) ҳикоя қилади:

Соч тагида кепаклаш бўлган пайтда шифокорга бордим, тери касаллиги эканини айтди ва аптекада дори килдирди. Дори қатрондек хид тарқатарди, ҳар оқшом бошимни оғритарди. Ҳомилалдор бўлганимни билганимдан сўнг, уни ташладим. Бошимдаги кепак табақалари борган сайин қалинлашди.

Ҳомилалдорлигимнинг илк ҳафталари таҳликали ва оғир кечди. 7 ойда энгил қонашлар бўлди. Шифокорга борсам эрта туғиш хавфи борлигини айтди, бола ўпкасининг ривожланиши учун препарат ампуласи килди. 3 соат ора билан туғишни кечиктирувчи дори ишлата бошладим. Шу сабабли юрак ўйнаши ва ошқозонда безовталиқ бўлди. 2 ҳафта икки кунда бир шифокорга қатнай бошладим. Биз нормал туғишни кутаётиб, боланинг 35 ҳафталик бўлгани аниқланди ва тезда «цезар амалиёти» қилишди.

Чақалоқ жуда безовта эди. 17 кунлигида пневмония ташҳиси билан касалхонага бордик. 4 кун давомида антибиотик ва кортизон қилишди. Уйга жўнатилганимизда газли, безовта ва тинмайдиغان чақалоқ эди. Йиғлаган овози кўчаларга эшитиларди.

Бола 4.5 ойлик бўлганида тиззамда бир оғрик, шиш, пайдо бўлди, иссиғим чиқиб, оқсоқлана бошладим. Берилган дорилар ҳеч фойда бермади. Такрор таҳлил, тадқиқ қилинди, лекин ҳеч нарса билмадилар.

Тиззаларимдан 3 марта сув олиш-

ди, яна натижа бўлмади. Университет касалхонасида қилинган таҳлиллардан ва олинган сувлардан кейин «posyeartit» ташҳиси қўйилди. Такрор дори ола бошладим.

Бу орада садафларим ортди. Америкадан келган дорилар ва шампунлар ишлата бошладим, лекин ҳамма нарса бир хил тураверарди.

Тиззам янада шишганида, такрор касалхонага бордим, “садафдан келган яллиғли ревматизмга боғлиқ артрит” дейишди. Тез ёрдам сифатида 2 антибиотик қилинди.

Бу орада дорилар қабул қилишни бошладим: Делакортин, Эмексатекс, Арава, Омерпол, Ендоп. Табиийки, боламни сутдан чиқардим. Бунинг учун Достинекс ишлатдим.

Оғрик ва шиш қаттарганида, яна кўпроқ дори ола бошладим. Ишлаган дорилар саратон дорилари эканини билганимда, жуда сиқилдим, йиғладим.

Оғрикларим ўтмаётгани учун касалхонада серум даволаниши бошланмоқчи эди. Бир танишим Ойдин хоним ҳақида айтиб қолди. Ойдин хоним боламнинг безовталигини билиб, мен билан бирга унга ҳам очлик, хожамот ва зулук курсини тавсия этди.

Талок ва жигарим бузилган, юрагимга ҳам ўтган экан.

Ҳамма дориларни бир томонга суриб, Ойдин хонимнинг тайинлаган даволаш курсини бошладим. Энди боламни сиқма мева сувлар ва қўшимчасиз таомлар билан озиклантира бошладим.

Очликлардан кейин қилинган икки жигар тозаланишида танамдан нималар кетганини ҳайрат билан кўрдим. Хозир хожамот ва зулук курсини тугатдим. Ҳозирда ва боламда курсни амалга оширишда чиққан муаммолар мени кўрқитмади, сабр билан давом этдим. 7 та 3 кунлик очлик тутишим қолди. Дори ишлатган пайтимга қараганда, жуда яхшиман ва соғломман. Садафга шифо топдим. Болам ҳозир фаришта. Роббимга чексиз шукрлар бўлсин”.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Қамолддин Йўлдош